

Xabar

32
(933)-son

6-avgust

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan


LTE: tўrtinchi avlod tarmoni

Газетамизнинг ўтган со-нида МДХ ва Марказий Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистонда тўртинчи ав-лод тармони (Long-Term Evolution) ишга туширил-ганини маълум қилган эдик. “МТС-Ўзбекистон” компа-нияси бу ишга қўл урган эди. Орадан тўрт кун ўтиб, Ucell компанияси ҳам LTE протоколи асосида ишлай-диган тўртинчи авлод мо-бил алоқа тармоғини ишга туширди.

Жаҳондаги илк 4G тар-моғининг тижорат хизмат-лари ўтган йили TeliaSonera компанияси томонидан Стокгоlm ва Осло шаҳарла-рида ишга туширилган эди. 2010 йилда мазкур компа-ния 4G тармоғини янада кенгайтириб, Швециядаги 25 шаҳар ва дам олиш мас-канлари ҳамда Норвегия-нинг тўртта шаҳрида амал-га киритмоқда.

Эътибор берган бўлсан-гиз, мазкур тармоқ дунёнинг санокли мамлакатларида-гина ишга туширилган. Бугунга келиб, ушбу мамлакатлар қаторида Ўзбекистон ҳам эъти-роф этилади.

5-бет



Қонун лойихаси муҳокамада

29-30 июл кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбат-даги мажлиси бўлиб ўтди. Унда қатор масалалар кўриб чиқилди.

Жумладан, Қонунчилик пала-таси Аxbорот ва коммуникация технологиялари масалалари кўми-таси аъзоси Ҳ.Каримова тақдим этган “Аxbорот-кутубхона фаоли-яти тўғрисида”ги қонун лойихаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати де-путатлар гуруҳининг вакиллари иштирок этдилар. Ушбу қонун лой-ихаси Ўзбекистон Республикасида аxbорот-кутубхона соҳасидаги му-носабатларни ҳуқуқий тартибга со-лишни таъминлаш ва ривожланти-риш, фуқароларнинг аxbоротдан эркин фойдаланиш ҳуқуқлари ка-фолатларини таъминлаш мақсади-ни кўзлайди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзолари таъкидлаб ўтдиларки, ушбу қонун лойихасининг концеп-цияси партиянинг дастурий қоида-ларидан келиб чиққан ва электро-рат манфаатларига мос келади. Мазкур ҳужжатни рўёбга чиқариш аҳолининг интеллектуал, маъна-вий-ахлоқий, маданий, таълим олишга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга ҳамда фойдала-нувчиларни аxbорот билан таъ-минлаш учун шарт-шароит яра-тишга, миллий анъаналарни тик-лаш ва ривожлантиришга, тари-хий-маданий меросни асрашга кўмаклашади. Қонунчилик палата-си қонун лойихасининг концеп-циясини маъқуллаб, уни бирин-чи ўқишда қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси матбуот хизмати

Сўнги янгилик!

Япониянинг Sharp компанияси 3D технологиясига асосланган иккита ян-гилигини тақдим этди. Уларнинг ик-каласи ҳам мобил телефонларга мўлжал-ланган.

Биринчиси — 720р ҳажмда уч ўлчамли тасвир олишда ишлатилувчи камера бўлса, иккинчиси — махсус кўзойнақдан фойда-ланмай туриб ҳам лавҳани томоша қилиш имкониятини берувчи LCD-дисплейдир. Жорий йилнинг иккинчи ярмидан ишлаб чиқарилиши кутилаётган бу дисплейлар ўта юпқа бўлиб, уларда 2Dдан 3Dга телефон тутмасини бир марта босиб ўтиш ёки аво-матик тартибга созилаб қўйиш мумкин.

Алоқа оламида:

Ушбу сонда:

- V Курултой: натижалар ва яқунлар 2
- Телефон тармоғи тараққиёти 3
- Перспективы сотрудичества 6
в области внедрения информационных технологий в государственном управлении
- Windows 7га талаб катта 11
- “Бунёдкор ёшлар”нинг самарали хизматлари 13

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet
Internet Service Provider

сифат рамзидир

Umadan umagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

29-30 июл кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси ўтказилди. Парламент қуйи палатасининг муҳокамасига киритилган ҳужжатларнинг асосий қисми суд ҳуқуқ соҳасига, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботига мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалаларига тааллуқли бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг биринчи ярим йиллик яқунлари муҳокама қилиниб, 2010 йилда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш дастурининг устувор йўналишлари амалга оширилиши, шунингдек, монополияга қарши тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш ва нархларнинг асосий равишда ошишига йўл қўймаслик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дурмон" ижод уйи ва поликлиникаси капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Б.Алимов, Ўзбекистон халқ шоири М.Тоир, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т.Қўзиев, Республика маънавият-тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов ва бошқалар ижод уйи ва поликлиникада яратилган шарт-шароитлар Президентимизнинг ижод аҳлига қаратаётган доимий эътибори ва ғамхўрлигининг амалдаги яна бир ифодаси эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан "Экологик ва тиббий йўналишдаги нодавлат но-тижорат ташкилотларининг атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда мамлакат ва минтақадаги экологик вазиятни яхшилашдаги ўрни" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Қўллаб-қўллаган ташкилотларнинг юртимиздаги ваколатхоналари вакиллари қатнашган мазкур анжуманда Ҳаракатнинг ярим йиллик фаолияти яқунлари ва келгуси режалари ҳусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмасининг V курултойи бўлиб ўтди. Унда жойлардан сайланган 64 нафар делегат катнашди. Курултойда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Тешабоев Марказий кенгашнинг 2005 йил март ойидан 2010 йил июл ойигача бўлган даврдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот берди. Маърузачининг таъкидлашича, ўтган вақт давомида касаба уюшманинг Ҳаракат дастури ва Уставида белгиланган вазифалар ҳамда IV курултой қарорларидан келиб чиққан ҳолда аниқ мақсадли ишлар амалга оширилган.

V КУРУЛТОЙ: НАТИЖАЛАР ВА ЯҚУНЛАР



Хусусан, 2005-2010 йилларда Марказий кенгашнинг таркибдаги вилоят алоқа ходимлари касаба уюшмаси қўмиталари ва Тошкент шаҳар касаба уюшмаси қўмиталарининг иш фаолиятлари ўрганилиб, уларга аниқланган камчиликлар юзасидан амалий ва услубий ёрдамлар берилди. Ҳисобот даврида соҳа қорхона ва ташкилотларида ходимлар сони қисқариб борганига қарамай, касаба уюшмаси аъзолари сони деярли сақланиб қолди. Масалан, 2005 йилда касаба уюшмаси аъзоларининг сони 56460 киши бўлган бўлса, 2009 йилда 59884 нафар аъзога етди.

Ҳисобот даврининг охирига келиб, касаба уюшмаси ташкилотларининг сони 173тани, цех ташкилотларининг сони 446тани, касаба уюшмаси гуруҳларининг сони 1666тани ташкил қилди. Марказий кенгаш ва вилоят бирлашган касаба уюшмаси қўмиталари томонидан нодавлат секторидagi қорхоналарда касаба уюшманинг янги ташкилотларини тузиш, ходимларни аъзоликка жалб қилиш юзасидан олиб борилган тадбирлар натижа-сида 2007 ва 2008 йилларда 12тадан хусусий қорхоналарда, 2009 йилда 29та қорхонада касаба уюшмаси органлари тузилди.

Келишувлар ва жамоа шартномалари орқали соҳада ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳам адолатли ҳал қилиниб келинмоқда. Ҳисобот даврида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ўртасида 2006-2008 ва 2009-2011 йиллар учун Тармоқ келишувлари имзоланди. Бугунги кунга келиб соҳада битта Тармоқ келишуви, иккита Тариф келишуви, битта ягона жамоа шартномаси ва 196та жамоа шартномалари имзоланган бўлиб, 2005 йилга нисбатан жамоа шартномалари сони 29тага кўпайди. Президентимиз томонидан 2005 йилни Сихат ва саломатлик йили, 2006 йилни Ҳомийлар ва шифокорлар йили, 2007 йилни Ижтимоий ҳимоя йили,

2008 йилни Ёшлар йили, 2009 йилни Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ва жорий йил Баркамол авлод йили деб номланиши касаба уюшмаси фаоллари олдида аниқ вазифаларни қўйди. Касаба уюшмаси ташкилотлари ушбу йилларга мўлжаллаб тузилган Давлат дастурлари асосида эътиборни кам таъминланган, кўп болали оилалар, аёллар ва ёшлар, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоялашга қаратди, жамоа шартномалари ва келишувларига қўшимча имтиёزلарни киритишга муваффақ бўлинди.

Ҳисобот даврида қорхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришга жиддий эътибор берилди. Тошкент шаҳридаги қорхона ва ташкилотларда касаба уюшмаси қўмитаси раислари ва фаоллари учун ташкил этилган "Касаба уюшмалари ўқуви кўни"да Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат, Фуқаролик, Солиқ, Оила кодекслари, меҳнат муҳофазаси ва касаба уюшмалари фаолиятига ва бошқа ҳуқуқий мавзуларга оид 196 марта ўқув машғулотлари ўтказилди. Касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш ва доимий комиссиялар фаолиятини ташкил этиш, уларнинг иш режаларини тузиш, ҳуқуқий чора-тадбирларни бажариш ва натижалар буйича ҳисоботларни тайёрлаш ҳамда Марказий кенгашга тақдим этиш масалаларига Давлат алоқа инспекцияси, Тошкент ахборот технологиялари университети, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи", "Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиаллари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг "Тошкент почтаменти" ва "Халқаро почтамент" филиаллари касаба уюшмаси қўмиталарида, шунингдек, Қорақалпоғистон, Самарқанд, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида масъулият билан ёндашилмоқда. Ўтган вақтда Марказий кенгаш томонидан алоқа соҳаси ходимларининг 162та ёзма ариза ва шикоятлари кўриб чиқилди, 655та оғзаки мурожаатлари қайд этилиб, уларга тегишли

маслаҳат ва ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Соҳа қорхона ва ташкилотларида, аниққисса, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари, Тошкент алоқа ҳамда ахборот технологиялари коллежлари ва академик лицейларида диний экстремизм, фундаментализм, ақидапарастлик, терроризмнинг вужудга келиши, манбалари ва унга қарши кураш моҳиятини тушунтириш мақсадида маърузалар, давра суҳбатлари ўтказилди. Ёшларнинг маънавий дунёқарашини ўстириш, маданий соҳаларда тажриба алма-

шиш, қадимий шаҳарлар тарихи ва ёдгорликлари, миллий урф-одатлар ва анъаналар билан яқиндан таништириш борасида қадимий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилди.

Соҳа ходимлари, талаба-ўқувчиларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, соғлом турмуш тарзини ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш афзалликларни тарғиб қилиш мақсадида мунтазам равишда соҳа спартакиадалари ўтказилди. Ушбу спартакиадаларда 2005-2009 йиллар мобайлида 24668 нафар ва футбол мусобақаларида 5046 нафар соҳа ходимлари қатнашди.

Курултойда Марказий кенгаш тағтиш комиссияси аъзоси Р.Аҳмедова, Бухоро вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси О.Шукурулаева, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директори А.Абдумўминов, "Самарқанд Телеком" филиали цех касаба уюшмаси раиси Н.Маҳмудова, ТАТУ касаба уюшмаси қўмитаси раиси ўринбосари Д.Мирзаев, Қорақалпоғистон Республикаси алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Н.Раимовалар сўзга чиқишиб, иш берувчи ва касаба уюшмалари ҳамкорлигидаги ишлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, курултойда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Т.Тешабоев Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси этиб сайланди. Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, "Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашнинг 2010-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури" ва янги таҳрирдаги Устави тасдиқланди.

Курултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Д.Жаҳонгирова ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Эшонқўжаевлар қатнашди ва сўзга чиқишди.

Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигини тобора яқинлаштирмоқда. Кўнгилларда байрам шукуҳи, кўча-кўйда, катта-кичик жамоаларда тантана тадориги ҳукмрон. Тўйга тўёна билан боришдек гўзал одатимизнинг амалий кўриниши бу.

Албатта, ўн тўққиз йил – тарих учун жуда оз муддат. Лекин шу киска вақт ичида Ўзбекистонда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида асрларга татиғулик ишлар қилинди. Шу йиллар давомида юртимизда мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилди, оламшумул ўзгаришлар юз берди. Ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон учун, унинг манфаатлари учун, деган эзгу давлат ҳаётимизнинг шиорига айланди.



Жамиятимизнинг барча жабҳаларида рўй берган янгиланишлар, истиқлол берган имкониятлар ҳақида ҳаяжонсиз, тўлқинланмасдан сўз юритиш мушкул. Бу ҳақда гап очилганда, ўз-ўзидан гурур жўш уради, қалб ифтихорга тўлади. Ва беихтиёр мустабид тузум даврида ким эдик, деган савол хаёдан ўтади. Аслида шу савол бизни мустақиллик неъматларини қадрлашга ўргатади. Таққос ва қиёс одилона ҳулоса чиқариш, ҳолис баҳо бериш имконини яратади.

Келинг, фикрларимизни мамлакатимизда телефон тармоғининг ўн тўққиз йил аввалги ва бугунги тараққиёти мисолида солиштириб кўрайлик.

Ғарб мамлакатлари аҳолиси XIX асрнинг 70-йилларидан телефон алоқасидан фойдалана бошлаган. Бостон университети профессори Грехем Белл 1876 йилнинг 14 февралда биринчи телефон аппарати патент олгани тарихдан маълум. Орадан юз йил – бир аср ўтиб бу тизим дунёда шунчалик ривожландики, ҳар қандай масофадан алоқа боғлаш мумкин эди.

Лекин истибдод исканжасида эзилган юрдошларимиз бир аср аввал кашф қилинган ва жуда тараққий этган шу қўлайликдан бемалол фойдалана олмади. XX аср 70-йилларининг охири, 80-йилларининг бошидаги аҳволни кўз олдингизга келтириб кўринг. Ўзбекистонга алмисоқдан қолган АТСлар келтирилди, унинг ҳам “номер”лари чекланганидан уйга телефон тушириш учун йиллаб навбат кутилди. Турли буйруқбозлик тўсиқлари эса энди навбати келган одамларни ундан воз кечишга мажбур қилган ҳолатлар ҳам тез-тез учраб турарди.

Бир амаллаб уйга телефон туширганларга ҳам ҳавас қилиб бўлмасди. Хонадонларга ўрнатилган телефонларга бақириб гапирмасангиз, ҳатто кўшни маҳалладаги суҳбатдошингиз яхши эшитмасди.

Қишлоқлардаги аҳвол ёнда ачинарли эди. Чека ҳудуд ёхуд олис овуларни кўя турунг. Тошкент шаҳридан, нари борса, юз қақирим келадиган қишлоқдаги қариндошингиз билан телефонда гаплашиш учун камида икки кун кетарди. Олдин телеграмма бериб, уни муайян вақтга туман марказига қақиртасиз. Кейин АТСга бориб, боғлаб беришларини соатлаб кутасиз. “Линия банд”, деган иборани эшитавериш асабларингиз қақшар эди.

Аммо айна шу пайтда ўзга юрт одамлари симсиз алоқа – мобил телефонда сўзлаша бошлаганини “кутинг, кейинги ҳафта келинг” дегуви чилар тушида ҳам кўрмагандир. “Моторола” компанияси раҳбари Мартин Купер 1973 йилнинг 3 апрелида Манхеттен кўчаларида юриб “сотка”да суҳбат қурган вақтда собиқ тоталитар тузум даҳолари оддий одам-

Телефон тармоғи тараққиёти



ларни ҳатто симли телефон учун навбатга қўйишдан чарчамасди. Инсон қадр, унинг манфаатлари, қўлайлик ва имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан иши йўқ эди. Қисқаси, телефон ихтиро қилинганидан то мустақилликка эришгунимизча орадан роса 119 йил ўтди.

Ҳозир юқоридаги гаплар кўпчилик, айниқса, ёшлар учун эртакнамо ҳикоя бўлиб туолади. Чунки истиқлол насимлари эса бошлагандан кейин барча соҳаларда бўлгани каби алоқа тизими, хусусан, телефон тармоғи тараққиётида мисли кўрилмаган янгиланишлар амалга оширилди. Меҳнаткаш ва фидойи халқимиз учун бир юз ўн тўққиз йил кечиктирилган имкониятлар санокчи йилларда юксак савияда яратилди.

Бугун хонадонларимизга энг замонавий телефонлар ўрнатилган. Сайёрамизнинг исталган нуқтаси билан уйингизда ўтириб бамайиҳотир гаплашасиз. Ҳозир ҳеч ким гўшакни ушлаб, бақир-чақир қилмайди. Рақамли АТСлар, оптик тодали телефон тармоғи жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беради.

Биргина мисол: 2010 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиздаги қишлоқ врачлик пунктларининг 1046таси GSM ва CDMA стандартларидаги алоқа воситалари билан таъминланди. Барча кириш қўнғироклари бепул бўлган бу телефонлар энг замонавий алоқа воситаларидан саналади.

Телекоммуникация соҳасини реконструкция қилиш ва модернизациялаш натижасида юқори ўтақувчанлик салоҳиятига эга рақамли синхрон иерархия технологиялари асосида ўта сифатли ва барқарор ишлайдиган телефон тармоғи бунёд

этилди. Бу тақдим этилаётган анъанавий хизматларни кенгайтириш, янги турдаги хизматларни жорий этиш, мобил алоқа, маълумот узатиш ва интернетдан қўлай ва тезкор фойдаланиш бўйича замонавий инфратузилма ривожланишига туртки бўлмоқда.

Бугун Ўзбекистон телекоммуникация тармоғида ўтказилган магистрал оптик тодали алоқа линияларининг умумий узунлиги 13 минг километрдан ошди ва барча туманларни қамраб олди. Буларнинг бари истиқлол туфайли амалга оширилган ислохотлар натижаси эмасми?! Инсон азизлиги, манфаати устуворлигининг таъминлангани эмасми?! Мобил алоқа тизимидаги янгиликлар ҳам фақат мустақиллик сабаб ҳаётимизга кириб келди. Унинг юртимиздаги туғилган куни 1992 йил 26 август санасига тўғри келади.

Энди “сотка”сиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Оиламизнинг ҳар бир аъзосида мобил телефон бор. Исталган дақиқада фарзандимизнинг қаердалигини билиш имконияти мавжуд. Ҳар куни хабар ололмайдиган ота-онамиз билан телефонда боғланиб кўнглимиз таскин топади. Улар ҳам нафақат фарзандининг овозини эшитгани, балки ММС орқали суратини кўрганидан, GPS хизмати билан фойдаланиб, жонли тасвирда гаплашганда ёнида ўтириванди тасалли олишади. Шундай имконият яратиб берганларни дуо қилишади.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг “UzNet”, “ТШТТ” ва “ТошТТС” филиалларида IP-телефония хизмати ҳам жорий этилди. Бу технологиянинг ўзига хослиги шундаки, компьютер-

да интернет орқали маълумот узатилади. Худди электрон почта (E-mail) сингари товуш ҳам рақамли маълумотга айлантирилади ва суҳбатдошга етказилади. Бошқача айтганда, IP-телефония – бу маълумот узатиш тармоғи бўйлаб товушни узатишдир. IP-телефония одатдаги телефон сўзлашувларидан 2-3 марта арзон технологиядир.

... Асад бобо қирқ йилдан ошқиб чўпонлик қилди. Олис яйловлар, кўз илғамас кенгликларда ойлаб юрарди. Оиласи, яқинлари билан тез-тез хабарлашишнинг имкони йўқ эди. Бугун унинг ишини фарзандлари давом эттиряпти. Бобонинг эса кўнгли тўқ, ўзи хотиржам. “Сотка” бор бўлсин. Катта ўғил қайси қирда, иккинчиси қайси адирда эканини билиб, аҳволдан хабардор бўлиб ўтиради.

– Илгари, билмайсизми, қаерда телефон бор, деб сўраб юрганлар кўп бўларди, – дейди Биби момо. – Ҳозир бундай савол умуман муомаладан чиқиб кетди. Чунки ҳаммамнинг уйда, қўлида телефон. Мана, шу “сотка”ни шаҳардаги шифокор неварам бериб қўйган. Ишлатишни билмайман, рақам теришга кўзим ўтмайди, десам, кулади. Телефонга қараб, “дўхтир болам” десангиз бўлди, мени чақиради, дейди. Росадан ҳам шундай. Лекин дадаси айтса ишламайди. Фақат менинг овозимни қабул қилади.

Момонинг телефонига невараси ҳар сафар рақам териш шарт бўлмаган “овозли чақирув” хизматини ўрнатиб берган экан. Қарияларимиз учун ажойиб қўлайлик, шундай эмасми? Барча ислохотлар одамларнинг турмуш фаровонлиги учун эканлиги, бу муқаллас Ватанда энг аввало инсон азизлигининг кичик бир мисолдаги амалий кўриниши эмасми бу?!

– Мустақилликдан олдин юздан зиёд оила яшайдиган қишлоғимизда иккитагина телефон бор эди, – дейди Беруний туманидаги “Дўстлик” овул фуқаролар йиғини худудда яшовчи Тожиғул Ҳўрозбоева. – Биринчиси раиснинг, иккинчиси дўкончининг уйда. Ҳозир-чи? Нафақат ҳар бир оила, балки унинг барча аъзоларига биттадан телефон тўғри келади. Иккита кўтариб юрганлар ҳам бор. Шундай имкониятлар яратилганидан қувонмай бўладими?!

Ҳа, мустақиллик берган имкониятни санаб адоғига етиб бўлмайди. Шу боис уларнинг қадрига етмоқ, авайламоқ, энг муҳими, дил-дилдан ҳис этмоқ ва, табиийки, шуқрона келтирмоқ жоиз!

Озод РАЖАБОВ,
ЎЗА

Xalqaro haqot



ПОКИСТОНДА ТАБИЙ ОФАТ

Покистон ўз тарихида энг катта сув тошқинидан жабр чекди.

БМТ ҳисоб-китобларига кўра, бундан камидан 1 миллион киши жабрланган. Қурбонлар сони 862 нафарга, бедарак йўқолганлар 150 нафарга етгани ҳақида хабарлар бор.

Маҳаллий синоптиклар тарқатган хабарда мамлакат шимоли-ғарбида 36 соат давомида рекорд кўрсаткич — 312 мм ёғин ёққани айтилади.

Қўшни Афғонистонда сув тошқинидан қурбонлар сони камидан 65 кишига етган.

ПЕНСИЯГА ЧИҚИШ МАЖБУРИЙ ЭМАС

Буюк Британия ҳукумати мажбурий пенсияга чиқишни бекор қилишни режалаштирмоқда. Бу ҳақидаги мақола The Guardian газетасида чоп этилган.

Ҳозирги кунда британияликлар, агарда иш берувчидан меҳнат фаолиятини давом эттириш учун алоҳида рухсат олишмаса, 65 ёшдан пенсияга чиқишга мажбурдирлар.

Янги қоида келуси йил апрел ойидан кучга кириши кутиляпти, газетанинг ёзишича, шу йўл билан ҳукумат пенсия чегарасини 66 ёшга етказмоқчи.

Иқтисодчилар пенсия ёши бир йилга узайтирилишидан давлат бюджети 15 миллиард фунт-стерлинг тежаб қолишини ҳисоблаб чиқди.

Етакчи Европа мамлакатлари — Германия, Франция, Италия ва Испанияда ҳам пенсия ёшини узайтиришга инқироз шароитида бюджет тақчиллигига барҳам бериш чораларидан бири сифатида қаралмоқда.

БАВАРИЯ ТАМАКИГА ҚАРШИ

Ўтган яшанбадан жамоат жойларида тамаки чекишни ман этиш бўйича энг қаттиқ чора Бавария (Германия)да кучга кирди. Энди Баварияда дискотекалар, рестороанлар, пивохонолар ва ҳатто кичик қаҳвахоналарда ҳам чекиш мумкин эмас.

Фақатгина рестороанлар бутунлай ижарага олиниб ўтказилаётган маросимларда чекишга рухсат этилади.

Қоидани бузганлар каттагина жаримага тортилади.

Германияда 2008 йилнинг 1 июнидан барча давлат муассасалари, ўқув юрглари ва шифохоналарда чекишни тақиқловчи қонун кучга кирганди.

ХИТОЙ "СЎНГИ ЧОРА" ЕТАКЧИСИ

Италия ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилоти — Hands Off Cainнинг маълумот беришича, 2009 йили Хитой ўлим жазосини ижро этиш бўйича жаҳонда етакчи ўринни сақлаб қолган — беш мингта ўлим жазоси (жаҳон бўйича 90 фоиз).

Иккинчи ўринда — Эрон (402 киши қатл этилган). Ўлим жазосини қўллаш ўсиб бораётган Ироқда 2008 йили 35, 2009 йили 77 кишига нисбатан "олий жазо" қўлланган.

МАШХУР КИНОСТУДИЯ СОТИЛДИ

Disney компанияси машхур Miramax Films студиясини сотиш борасида инвесторлар билан келишув имзолади. Студия 660 миллион АҚШ долларига баҳоланган.

Киностудияга 1979 йили Боб ва Харви Вайнштайлар асос солишган. Компания муваффақиятли фаолият юритишга ўтгач, 1993 йили уни 80 миллион доллар эвазига Disney қўлга киритди. Вайнштейнлар эса компания директорлари сифатида фаолиятларини давом эттиришди.

Киностудияда суратга олинган филмлар 250дан ортиқ олий киномукофотларга сазовор бўлган.

BIZNES

Мобил компьютерлар

Apple компанияси iPad интернет-планшетлари муваффақиятли савдосидан сўнг жорий йил иккинчи чорагида мобил компьютерлар (ноутбуклар, нетбуклар ва планшетлар) соҳасида жаҳонда учинчи ўринга кўтарилиб олди. Бу борада анъанавий MacBook ноутбуклари ҳам катта рол ўйнади.

Компания 2010 йил иккинчи чорагида 3,27 миллион донга iPad ва 2,47 миллионга ноутбук сотган. «Айпад»ларни ҳисобга олмаганда, Apple жаҳон мобил компьютерлар бозорига еттинчи ўринда турибди.



Зарбага чидамли ойналар

Американинг ойна, керамика ва шунга ўхшаш маҳсулотларга ихтисослашган Corning корпорацияси талабдан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш қувватини оширмоқчи.

Расмий маълумотда айтилишича, яқин орада Хитойда зарбага чидамли махсус ойна (Gorilla Glass) чиқарувчи завод қурилиши бошланади.

Зарбага чидамли бошқа ойналардан уч маротаба пишиқроқ ҳисобланган Gorilla Glass ойналари айни пайтда Dell Streak интернет-планшети ва Motorola Droid смартфонларида ишлатилмоқда.

«Бошқа соҳаларда ҳам маҳсулотимизга талаб ошаётгани ишлаб чиқаришни кўпайтиришимизга сабаб бўлди, — дейди Corning ижрочи директори. — Энди бу ойналарни телевизор ва компьютерларга ҳам ўрнатса бўлади».

XAVFSIZLIK

Googleда ишлаш икки маротаба хавфли

Barracuda Networks компаниясининг аниқлашича, Google тизимидаги қилдирув натижаларининг учдан икки қисмидан кўпроғи яширин зарарли дастурий маҳсулотлар жойлаштирилган сайтларга эллади.

Бу икки ойлик кузатув сарҳисоби. Демак, тадқиқотга ишонадиган бўлсак, Googleда қилдирганда вирус хавфи Bing, Twitter ва Yahooни биргаликда ҳисоблагандадан икки баравар юқоридир.

Яна бир қизиқ маълумот: интернетга бериладиган сўровномалар орасида уч нафар таниқли актриса ва бир NFL (Миллий футбол лигаси) ўйинчиси номи кибержиноятчилар энг кўп фойдаланадиган сўзлар ўнлигида тураркан.

WWW

Эстония домени янгиланди

Эстония миллий домени (.EE)да 5 июлда номларни рўйхатга олишининг янги тартиби жорий этилганди. Эндликда ҳар бир эстониялик ва чет эллик бу доменда истаганича номни рўйхатдан ўтказиши мумкин. Яна бир ўзгариш хизматларнинг пуллик бўлганидир (1та домен 24 евро атрофида).

Худуд маъмуриятининг таъкидлашича, ислоҳот доменнинг оммалашшига олиб келди: ҳозиргача янги номлар 4 мингтага кўпайди ва мингта «эски» ном қайта рўйхатдан ўтди.

Бироқ мустақил тадқиқотларнинг кўрсатишича, онлайн-ваколатхона очишни истовчи эстонлар .EU (Европа Иттифоқи) ёки COMни миллий зонадан афзал билишмоқда. Маъмурият бунга миллий доменда рўйхатдан ўтишининг қимматлиги (ислоҳотгача муғлақо бепул эди) ва доменларга хизмат кўрсатишининг серхаражатлиги каби омилларни важ қилиб кўрсатган.

INTERNET EXPLORER ЯНА

ОММАЛАШАПТИ

Net Applications компанияси икки ойдан буён Internet Explorer браузерининг бозор улуши ортиб бораётганини қайд этди.

Кузатувларга кўра, Microsoft браузеридан июл ойида 60,7 фоиз компютерда фойдаланилган. Июнда бу кўрсаткич 60,3, май ойида эса 59,7 фоиз эди.

Иккинчи ўринда бораётган Firefox браузер, аксинча, фойдаланувчиларини йўқотмоқда (июн — 23,8 фоиз, июл — 22,9 фоиз).

Кейинги ўриндаги Google Chromeda сезиларли ўзгариш йўқ — 7,2 фоиз.

Тўртинчи ўриндаги Apple Safariга қизиқиш бир оз ошди (июн — 4,9 фоиз, июл — 5,1 фоиз).

Бешликни ўтган ойлarda ўз улушини 2,3дан 2,5 фоизга ошира олган Opera браузер ижонлайди.

Қолган барча интернет-браузерларнинг жами улуши тахминан 1,7 фоизни ташкил этади.



E-KITOB

Овқат ўрнига китоб

The New York Times газетаси муҳбири Ник Билтоннинг кузатувларига кўра, Нью-Йорк кафеларида энди нафақат ноутбуклар, балки планшет ва букридер (электрон китоб)лардан фойдаланиш ҳам тақиқланмоқда.

Ноутбуклар кафеларда ман этилганига икки йил бўлди, бунга интернетдан фойдаланувчиларнинг соатлаб жойни банд этиб ўтиришлари сабаб бўлганди.

Билтоннинг фикрича, электрон китоблар оммалашши билан уларни кафеларда тақиқлашнинг иложи бўлмай қолади. Чунки ёнма-ён ўтирганларга анъанавий газета ва китоблар мутолаа қилишга рухсат берилган ҳолда «рақамли» китоб ва янгиликларни ўқишни ман этиш тараққиёт билан ҳамқадам миждозларга ёқмаслиги аниқ.

Янада қулай ва ихчам

Amazon компанияси Kindle электрон китобларининг учинчи авлодини ишлаб чиқди. Янги қурилма дисплейи бошқа қурилмаларникидан 50 фоиз тирикроқ, Энди ҳарфлар янада ўқишга қулай.

Қурилманинг ҳажми ҳам ўзгаришларга учраган. Букридернинг қалинлиги 21 фоизга камайтирилган, хотираси эса икки бараварга кўпайтирилган — энди унга 3500та атрофида китоб синади. Саҳифалаш тезлиги нисбатан 20 фоиз юқори.

Жорий йил иккинчи чораги яқунларида кўра, Amazon электрон китоблар бозорига 27 фоизлик улушга эга. Энг оммалашган букридерлар эса мазкур бозорнинг учдан бир қисмини эгаллаган Barnes&Noble русумли қурилмалардир.

LTE: тўртинчи авлод тармоғи

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Мобил алоқа ривож

Умуман, мобил алоқа хизматлари кундалик ҳаётимизнинг бир бўлагига айланганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Атиги 10 йилча аввал оқ-қора экранли, оддийгина, сўзлашув ва СМСдан бошқа хизмат турларига эга бўлмаган мобил телефонлардан фойдаланиб келардик. Вақт ўтиши билан бу йўналиш шиддат билан ривожланди. Энди нафақат матнли СМС жўнатиш, балки овозли СМС, расм ва видеони ММС хизматлари пайдо бўлди. Мобил телефон орқали электрон почта хизматларидан фойдаланиш имкони юзага келди. Мобил интернет ривожланди. Бугун чекка қишлоқлардаги аҳоли ҳам айнан мобил интернет хизмати орқали глобал тармоқдан хабардор бўлмоқда.

Ўзгаришлар шунчалик тезки, ҳали бир хизмат имкониятларидан фойдаланиб улгурмасимиздан, иккинчиси келиб чиқяпти. Юртимизда ўзaro жиддий рақобатга киришган мобил компаниялар энди нафақат ривожланган давлатлар билан тенга-тенг равишда хизмат турларини

тақдим этмоқда, балки улардан ўзишга, улардан аввалроқ янги авлод тармоқларини ишга туширишга ҳаракат қилишяпти. Тўртинчи авлод тармоғининг ишга туширилиши бунга яққол мисолдир. Шу ўринда бир жиҳатта тўхталиб ўтиш лозим. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан мобил компанияларга LTE тармоғини қуриш учун лицензия берилиши бу борадаги ишларнинг тезда бошлаб юборилишига замин яратди.

Албатта, ўтган ҳафта ишга туширилган LTE технологиясининг биринчи йил ичида бутун мамлакатимиз бўйлаб хизмат кўрсатиши қийин масала. Чунки, 3G тармоғи ҳали тўлиқ ишга тушириб бўлингани йўқ. Жаҳон миқёсида ҳам 3G тармоғи етиб бормаган давлатлар ва худудлар кўп. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 4G – бу мобил алоқанинг келажаги. Бугунги асосий вазифа, аввало учинчи авлод тармоғини ривожлантириш бўлса, LTE – бу келажак учундир. Яқин 5-10 йил ичида LTE телекоммуникациялар бозорида кескин бурилиш ясайди. Шу жараёнга тайёр туриш ва ишонч би-

лан бориш мақсадида ҳам 4G устида бугундан иш бошлаб юборилди.

4G тармоғининг устунлиги нимада?

3G тармоғи мамлакатимиз ҳудудини тўлиқ қамраб олмаганини айтиб ўтдик. Аслида ушбу тармоқ имкониятлари ҳам жуда юқори. У кенг турдаги мултимедия хизматлари кўрсатиш ва 14Мбит/сек. тезликкача маълумот узатиш имконини беради. Бу бугунги кун абонентларини тўла қониқтиради. Бироқ, телекоммуникация тармоқлари орқали узатилаётган ахборотлар ҳажми тобора орғиб борапти ва бундай ўсиш суръатига фойдаланувчилар ҳам ўрганиб қолган. Шу сабабли соҳа мутахассислари келажакни ҳам ўйлашларига тўғри келади. 4G ушбу талабдан келиб чиққан стандартдир.

Тўртинчи авлод стандарти – LTE устидаги ишлар 3GPP ташкилоти томонидан 2004 йилда бошлаб юборилганди. Стандартни ишлаб чиқиш жараёнида қўйилган асосий талаб куйидагича эди:

- Маълумотлар узатиш тезлигини 100 Мбит/секунддан ошириш;
- Тизимнинг юқори хавфсизлик даражасини таъминлаш;
- Юқори энерготежамкорлик;
- Тизим ишида узлишларни йўқоташ;
- Иккинчи ва учинчи авлод тармоқлари билан мутаносиб ишлашни таъминлаш.

(Унинг яна бир тўртинчи авлод тармоғи ҳисобланган WiMAXдан фарқи ҳам шунда. WiMAX иккинчи ва учинчи авлод тармоқлари билан мутаносиб равишда ишлаймайди. Шу сабабли ҳам келажакда WiMAX ҳамда LTE ўртасида кучли рақобат юзага келиши кутилмоқда.)

Бугунга келиб илк натижалар ушбу мақсадга эришилганлигини кўрсатяпти. Текширувлар жараёнида онлайн видео кўриш, катта ҳажмдаги файлларни узатиш, интернет тармоғидан юқори тезликда фойдаланиш каби ишлар амалга оширилди. 4G тармоғи тезлиги ҳозирда ишлатилаётган 3G тармоғидан 10 баробарга юқорироқдир.

“МТС-Ўзбекистон” ва Ucell: 4G такдимоти

“МТС-Ўзбекистон” компаниясининг 4Gни МДХда биринчи бўлиб ишга тушириши анча шов-шувга сабаб бўлди. Хориж матбуоти бу во-

қеийликка алоҳида урғу берди. Ихтисослашган IT-форумларда соҳа мутахассислари томонидан кенг муҳокама қилинди. Қисқаси, ушбу воқеа сабаб хорижий мутахассислар нигоҳи Ўзбекистонга қаратилди.

“МТС-Ўзбекистон” компанияси маълумотига кўра, ҳозирча Тошкент шаҳрининг марказий қисмида 4G тармоғидан фойдаланиш мумкин, келгусида эса компания бутун Ўзбекистон бўйлаб 4G тармоғи доирасини кенгайтиришни режалаштиряпти. Бундан ташқари, 3G тармоғини ривожлантириш компания учун устувор вазифалардан бири бўлиб қолади. Ҳозирда МТСнинг 3G тармоғи Ўзбекистоннинг 5та йирик шаҳрини ўз ичига олган. 2011 йилнинг охирига бориб компания мамлакатимизнинг барча вилоят марказларини 3G тармоғига киритишни режалаштирмоқда. Ucell ҳам йил якунига қадар 3G тармоғини ривожлантириш мақсадида 300га яқин база станцияларини барпо этади.

Агар “МТС-Ўзбекистон” учун Хитойнинг Huawei компанияси LTE (4G) тармоғи ускуналарини етказиб берган бўлса, UCellнинг 4G тармоғи учун жиҳозларни яна бир Хитой компанияси – ZTE Corporation таъминлаб берди.

4G тармоғидан қандай фойдаланиш мумкин?

Компания мутахассисларининг таъкидлашича, “МТС-Ўзбекистон” ҳам, Ucell компанияси ҳам LTE технологиясини пойтахтимиз марказида ишга туширган. Демак, ушбу худудда 4G тармоғи доирасида мобил алоқа ва маълумотлар узатиш, интернет хизматларидан мазкур технологияга мослашган телефон ва модем орқали фойдаланиш мумкин. Аммо ҳали ушбу технологияга асосланган телефон ва модем келтирилгани йўқ. Ушбу хизматга кўрсатиладиган тарифлар ҳам энди ишлаб чиқилади. Тақдимот маросимларида айтиб ўтилдики, жорий йил якунига қадар модемлар олиб келинади ва биринчи бўлиб корпоратив мижозлар тармоққа уланади.

Шундай қилиб, кўз ўнгимизда яна бир янги авлод тармоғи ишга туширилди. Бу технологияларнинг келажакда мижозларга янги хизматлар, тезлик ва қулайликларни тақдим этишига шубҳа қилмасак ҳам бўлади.

Лутфилло ТУРСУНОВ

Компания вакиллари фикри:

Олег Распов, «МТС» ОАЖ вице-президенти: «Айнан биз ўз абонентларимизга 4G хизматларини таклиф қилган МДХ ва Марказий Осиёдаги биринчи операторлардан бири бўлишга муваффақ бўлганимиздан гуруҳланамиз. Инновациялар етакчиси бўлган компаниямиз мобил алоқа ва маълумотлар етказиб бериш соҳасида энг илгор технологияларни доимо ўз абонентларига етказиб беришга интилади. Ўзбекистонда янги авлод тармоғини татбиқ этган ҳолда биз тажриба тўплаймиз, келгусида эса барча бозорларимизда фаолият олиб бориш учун ундан фойдаланамиз».



Огуз Мемияев, ХК COSCOM МТЖнинг бош директори: «Ўзбекистон тўртинчи авлод уяли алоқа тармоғига эга жаҳондаги оз сонли давлатлар орасидан муносиб ўрин олганидан хурсандимиз. TeliaSonera оиласи азбоси сифатида биз энг илгор технологияларни татбиқ этиш ва сифатли мобил алоқа билан бирга, юқори тезликдаги ахборот алмашиш имкониятлари яратишни бош мақсад қилиб қўйганмиз. UCell 4G асосида янги ва қизиқарли хизматларни таклиф қилиш устида ишлайди ва бизнинг абонентларимиз юқори тезликдаги ахборот алмашиш имкониятларидан тўла фойдалана оладилар».



МТСдан янги тариф

МТС компанияси ўз абонентларига янги — «Ажойиб суҳбатлар» тарифини таклиф этади. Ушбу янги тариф ўз қариндошлари ва яқинлари билан узоқ вақт суҳбатлашадиган абонентларга мўлжалланган.

Тарифнинг асосий устунлиги шундаки, тармоқ ичида суҳбатнинг учинчи ва ундан кейинги дақиқалари ўн маротаба арзон, чунки суҳбатнинг биринчи 2 дақиқасидан кейин барча кейинги дақиқалар нархи \$0,001 (1 дақ. учун), биринчи икки дақиқанинг нархи — \$0,01. Бундан ташқари, барча кирувчи кўнғироқлар — бепул, Ўзбекистон бўйича қолган барча чиқувчи кўнғироқлар нархи — \$0,025. Ушбу тарифда абонент тўлови кунига атиги \$0,22.

Куйидаги усуллардан бири орқали «Ажойиб суҳбатлар» тарифига ўтиши мумкин:

- Мобил портал орқали: *111#;
- USSD-команда юбориб: *111*117#;
- 616117 рақамига SMS орқали «1» юбориб,
- «Шахсий кабинет» ёрдамида.

* Халқаро кўнғироқлар ва қўшимча хизматларга ўрнатилган тарифларга мувофиқ алоҳида ҳақ тўланади.

“Билайн”: абитуриентга ёрдам

“Билайн” “Zava Mobile” контент-провайдери ва Давлат Тест Маркази билан ҳамкорликда 2010 йил 1 августда тест синовлари топишган абитуриентлар учун янги информацион хизматни амалга киритди.

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурлидаги Давлат Тест Маркази (ДТМ)” хизмати абитуриентга СМС-хабар ёрдамида олий ўқув юртига киришда неча балл тўплаганини билиш имконини беради. Зарур маълумотни олиш учун абитуриент тест синов вақтида олган жавоблар варағи рақамини 5151 хизмат рақамига СМС тарзда жўнатиши керак. Бунга жавобан абонент натижалар ҳақида маълумот беришга асос бўлган жавоблар варағи рақами, олий ўқув юрти рақамли коди (абитуриентга аввалдан маълум бўлган), йиғилган баллар миқдори ва натижаларнинг расшифровкаси (грант асосида қабул қилингани, шартнома асосида қабул қилингани, қабул учун етарли балл тўплай олмаганлиги) кўрсатилган хабар олади.

Хизматдан фойдаланиш телефонда қўшимча созулашлар ва функцияларни талаб қилмайди. Хизматдан фойдаланиш жараёни осон ва тушунарли: жавоблар варағи рақами (масалан, 100003) рақами ёзиб юборилган сўровга куйидаги кўринишда СМС шаклидаги хабар келади: Н:100003, ВУ3:355, БАЛЛ:195.5. Сиз ГРАНТ-БЮДЖЕТ асосида ўқишга қабул қилиндингиз. Вы поступили на ГРАНТ-БЮДЖЕТ. Чиқувчи хабар нархи — \$0,75.

ПЕРСПЕКТИВЫ СОТРУДНИЧЕСТВА в области внедрения информационных технологий в государственном управлении

2 августа 2010 года в Узбекском агентстве связи и информатизации состоялся Узбекско-Корейский семинар по изучению корейского опыта и перспективам сотрудничества в области внедрения информационных технологий в государственном управлении.

Семинар организован Узбекским агентством связи и информатизации совместно с Министерством знаний и экономики Кореи, Национальным агентством по продвижению информационных технологий Кореи (NIPA) и Всемирным банком.

На семинаре приняли участие представители Аппарата Президента Республики Узбекистан, Законодательной палаты Олий Мажлиса, Кабинета Министров, а также более 70 ответственных сотрудников министерств и ведомств республики, органов государственной власти на местах.

Основной целью данного семинара является расширение сотрудничества между Узбекистаном и Кореей по развитию информаци-



онно-коммуникационных технологий, в частности в формировании и внедрении различных услуг с применением ИКТ в государственном управлении.

На открытии семинара с приветственным словом к участникам обратились генеральный директор УзАСИ Х.Мухитдинов, заместитель председателя Комитета по вопросам информации и коммуникационных технологий Олий Мажлиса Республики Узбекистан И.Абдуллаев, председатель Торгово-промышленной палаты Узбекистана А.Шайхов.

Приветственным словом от имени председателя Национального агентства по продвижению информационных технологий (NIPA) выступил Кюн Вон Джунг и от имени Посольства Республики Корея в Республике Узбекистан Бёнг Хван Пак. Также выступил ведущий консультант Всемирного банка Ён Хён Квон.

Ими было отмечено, что сегодня в Узбекистане активно внедряются информационные технологии и внедрение информационных технологий в государственное управление. С целью дальнейшего развития и модернизации Правительственного портала разработан и запущен новый Правительственный портал с дополнительными модулями G to B и G to C. Большое значение придается внедрению электронных форм государственных статистических отчетов с использованием компьютерных технологий. На предприятиях и организациях внедряется система электронного документооборота с использованием электронной цифровой подписи.

Развитие и повсеместное применение инфокоммуникационных технологий способствует повышению эффективности управления на всех уровнях, в государственном и негосударственном секторах экономики, содействует расширению

взаимодействия между государством и его гражданами за счет свободного и оперативного доступа к информации.

В ходе семинара представители NIPA выступили с презентациями на темы «Электронное правительство» и «Программа международного сотрудничества Кореи» и «Создание плана действий по развитию «электронного правительства» в Узбекистане». Руководитель Центра «Узинфоком» представил презентацию о состоянии и перспективах развития информатизации в Узбекистане.

Также участники ознакомились с корейским опытом внедрения информационных технологий в различные сектора экономики и социальной сферы, в том числе в банковской сфере, здравоохранении, управлении социальной инфраструктурой, электронных почтовых услуг и др.

Пресс-служба УзАСИ

ФБР требует убрать свою эмблему с сайта Wikipedia

Федеральное бюро расследований (ФБР) США требует убрать свой логотип с сайта популярной интернет-энциклопедии Wikipedia, сообщила ВВС.

Представители бюро предупреждают, что «несанкционированное воспроизведение эмблемы ФБР запрещено американским законодательством» и требуют убрать изображение с сайтов, принадлежащих Wikipedia.

В Wikimedia Foundation утверждают, что юристы бюро просто неверно истолковали закон, который запрещает подделку знаков отличия и удостоверений федеральных агентств и ведомств. В ответном письме адвокат Wikimedia Foundation пишет, что его организация отвергает требование убрать эмблему с принадлежащих ей сайтов и если понадобится, готова отстаивать свою позицию в суде.

Интернет важнее 3D

Если главными героями новостных заголовков в индустрии ТВ были в 2010 году 3D-модели, то главным героем реальных продаж стали телевизоры с возможностью подключения к интернету (Internet-Enabled TV, IETV), отметили аналитики компании iSuppli.

Объем глобальных отгрузок IETV в 2010 году, согласно прогнозам специалистов, достигнет отметки в 27,7 млн. штук. Для сравнения, объем отгрузок 3D-телевизоров составит, по разным данным, от 3,4 до 4,2 млн. штук.

«Несмотря на агрессивное продвижение со стороны производителей и большой интерес со стороны потребителей, в этом году 3D-телевизоры покупаются не так хорошо, как это может показаться. При этом IETV уже в 2010 году стали очень популярны. Главные проблемы 3D-моделей — это ряд препятствий, включая высокие цены и недостаток контента», — объяснили в iSuppli

Задержан создатель ботнета Mariposa

В словенском городе Марибор в результате спецоперации с участием местной полиции, ФБР США и испанских правоохранителей арестован 23-летний молодой человек, имеющий, как полагают, непосредственное отношение к созданию ботнета Mariposa.

Имя главаря не раскрывается, он фигурирует в деле под псевдонимом Исердо (Iserdo). ФБР рассказала журналистам только то, что задержанного выпустили под залог и он разгуливает на свободе.

«Чтобы вам было понятно, мы поймали не того, кто вломился в ваш дом, а гада, который дал ему фомку, карту и рассказал о самых богатых домах в округе, — пояснил журналистам Джеффри Трой, заместитель помощника директора киберподразделения ФБР. — Это крупный прорыв в истории расследований киберпреступлений».

Мобильные пользователи уделяют больше всего времени электронной почте

Крупнейшая в США социологическая компания Nielsen в рамках опроса, проведенного в период с июня 2009 по июнь 2010 года выяснила, что социальные сети Facebook и Twitter доминируют среди пользователей настольных компьютеров, а вот мобильные пользователи в США львиную долю времени проводят по старинке — за чтением и написанием электронной почты.

Согласно опросам 200 000 американских мобильных пользователей, сервисы электронной почты у пользователей занимают почти 42% всего времени, проводимого ими в интернете через мобильное устройство. В компании говорят, что проводили опрос среди пользователей смартфонов, работающих с аппаратами на базе мобильных ОС iPhone, BlackBerry и Android.

В отчете Nielsen говорится, что из каждого часа, проведенного в интернете через мобильное устройство, пользователи тратят 25 минут на использование почты. На порталах, вроде Yahoo или MSN, они проводят времени в 3,5 раза меньше — 7 минут в час. Социальные сети получили еще меньше — 6 минут в час.

Motorola выпустит планшетный компьютер

Motorola намерен выпустить собственный планшетный компьютер, который помимо традиционных для подобного класса машин функций сможет еще и работать с сервисами мобильного телевидения. В целом, главная задача планшета Motorola — побороться на рынке с нынешним лидером Apple iPad.

Известно, что планшетник Motorola будет обладать 10-дюймовым сенсорным экраном и работать на базе открытой операционной системы Google Android. На первом этапе продаж Motorola по традиции представит гаджет в США, причем здесь эксклюзивным партнером по продажам устройства станет второй крупнейший сотовый оператор Verizon Wireless. Ожидается, что продажи устройства начнутся в сентябре или октябре этого года.

Poste Italiane: Инкирозни ютукка айлантирган компания

(Давоми. Аввали ўтган сонда.)

Молиявий натижалар: саккиз йиллик ўсиш

Италия почтасининг энг катта ютуқларидан бири почтадан кўра даромадлик соҳаларда ўз ўрнини топа олгани бўлди. Бугунги кунга келиб Италия почтаси даромадининг ярмидан кўпи молиявий ва суғурта хизматлар ҳисобига қопланапти, анъанавий почта хизматларининг жами даромадаги улуши учдан бир қисми ташкил қилади. Анъанавий хизматлар таннархи қисман кўшимча хизматлардан тушган фойда ҳисобига ёпилади. Бу замонавийлаштириш жараёнини давом эттириш ҳамда почта соҳасини қўллаб-қувватлаш учун етарли: мамлакатдаги барча почта бўлимлари техниканинг сўнгги ютуқлари билан жиҳозланган, почтачилар эса мобил воситалар билан таъминланган.

Узоқни қўлаб амалга оширилган замонавийлаштириш стратегияси натижасида саккиз йилдики, Италия почтаси даромадлари ошмоқда. Бу жуда улкан силжиш, негаки, бунгача 50 йил почта давлат учун боқиманда ташкилот бўлиб келган. 2009 йилни Poste Italiane 904 миллион евро (2008 йилга нисбатан +2,4%) соф фойда билан яқунлади. Умумий даромад 20 миллиард еврога ташкил этди (2008 йилга нисбатан +2,8 миллиард евро). Ўтган йили молиявий хизматлар одатдагидан 8,9 фоиз, суғурта хизматлари 29, Postepay тўлов карталари 22,8, Postemobile сим-карталари 95,5 фоиз кўп даромад келтирди.

2008 йили почта омонат жамғармалари сертификатларини харид қилиш олдинги йилга нисбатан уч маротаба ошди, Италиядаги бошқа молия институтлари жамғармалари эса, аксинча, бўшаб қолди. Почта омонат жамғармалари депозитлари 112 фоизга ўсди. Бугунги кунда Италия почта хизмати беш миллиондан зиёд ҳисобдаги 340 миллиард евро омонатни сақлаётти — мамлакатдаги ҳеч бир банк

Рақамлар...

Ходимлари — 150 минг киши (60 минг алоқа бўлимларида, 45 минг нафари почтачилар, 1400 нафари Call-марказ операторлари)

- Италиядаги филиаллари сони — 140та
- Почта бўлимлари сони — 14000та
- Саралаш марказлари сони — 200та
- Почта қутилари сони — 60000та
- Postamat банкоматлари сони — 4500та
- Автомобиллар сони — 4000та



бундай юқори кўрсаткичга эга эмас. Почта банкининг инвестициялар бўлинмаси Fondi Bancoposta Sgr 3,3 миллиард, ҳаётни суғурталовчи мамлакатдаги энг йирик почта суғурта компанияси Poste Vita 29 миллиард евро маблағни бошқаради.

BancoPosta 1990-йиллар охирида ташкил этилган бўлиб, дарҳол кўп тармоқли хизматни йўлга қўя олди: BancoPostада хисоб очиш, дебет карталари, суғурта полислари, облигациялар, истеъмол ва ипотека кредитлари ва бошқалар. 2000 йили асос солинган Conto BancoPosta омонат жамғармаси ҳозирга келиб Италиядаги турдош хизматлар орасида энг оммалашгани ҳисобланади.

2003 йилда чиқарилган Postepay дебет карталаридан 3,5 миллион мижоз фойдаланмоқда. Электрон тўловлар картаси ҳам аҳоли ишончини қозонди — ҳозиргача 10 миллионга шундай карта чиқарилган бўлиб, бу борада ҳам Италия почтаси мамлакатда тенгсиз.

Poste Italianeнинг 9000та


алоқа бўлимида MoneyGram билан ҳамкорликда пул ўтказмалари хизмати йўлга қўйилган.

Почта ва ахборот технологиялари

Италия почтаси ахборот технологияларини қўллаш борасида яхши тажриба ва ҳамкорларга эга. Finmeccania компанияси билан шерикликда хориз почта операторлари учун модернизация ечимлари ишлаб чиқилаётган бўлса, Microsoft билан ҳамкорлик Poste Italianaга MS Office бошқарув панелида ўз иконкасини жойлаштирган биринчи почта оператори мақомини берди. Бу янгилки мижозларга ўз компютерларида Италия почтаси орқали хат жўнатиш ва унинг бошқа хизматларидан фойданишдек қулайлик яратади.

Timbro Postale Digitale — рақамли почта штемпели ҳам Microsoft билан ҳамкорликда Бутунжаҳон почта иттифоқи учун яратилган бўлиб, почта хабари бузилмаганлигини, электрон имзо жўнатувчиники эканлигини тасдиқлайди, хатнинг манзилга жўнатилиш санаси ва вақтини қафолатлайди. TPD электрон почта орқали жўнатиладиган расмий ҳужжатларда фойдаланиляпти. Италия почтачилари хизматлар сифатини аниқлашда IBM, ахборотни ишончли муҳофазалаш борасида HP, коммуникация инфра-тузилмасини янгилашда Cisco сингари ахборот технологиялари соҳасининг номдор компаниялари билан ҳамкорлик қилиб келишади.

(Давоми бор.)



WINDOWS 7га талаб катта

Microsoft компанияси Windows 7 амалиёт тизимининг 175 миллионинчи нусхаси сотилганини маълум қилди. Компютер техникаси тарихида ҳали ҳеч бир амалиёт тизими бунчалик тез сотилмаганди. Бугунги кунга келиб жаҳондаги компютерларнинг 15 фоизидан ортиғида Windows 7 ўрнатилган.

Компания 20 июл куни II молиявий чорак ҳисоботини тақдим этди. Унга кўра, 16 миллиард доллар даромадга эришилган, бу ўтган йилнинг шу давридагидан 22 фоиз кўпдир. Windowsлар савдо ҳажми 1 миллиардга ўсиб, жами 4,55 миллиард долларга етган. Умуман олганда, асосан Windows ва Officeлар савдоси кўпроқ фойда келтирган бўлса, интернет-қидирув ҳамда мобил телефонларга доир маҳсулотлар савдоси компания мутасаддиларини қаноатлантирмади.

Бир ой илгари Microsoft Windows 7нинг 150 миллион нусхаси сотилгани ҳақида хабар берганди. Ўшандан бери истеъмолчилар ва компаниялар яна 25 миллиончасини харид қилишди. Бу ҳар сонияда 9,97 нусха Windows 7 сотилишидан далолат беради.

Сир эмаски, Windows 7 узидан аввалги Windows Vistara қараганда кенг оммалашди. Фикримизни Net Applications компанияси 40 мингта сайтда ўтказган мониторинг тадқиқотлари яқунлари ҳам тасдиқлайди, унга кўра, 21 июлга келиб Windows 7нинг амалиёт тизимлари бозоридаги улуши 14,4 фоизга етган. Vista эса сотилиши бошланганидан сўнг орадан 22 ой ўтиб шу кўрсаткични қайд этган.

Яна бир тадқиқот компанияси — StatCounter маълумотларига кўра, дунёдаги шахсий компютерларнинг 17,6 фоизи Windows 7ни қўллайди. Бу рақамлар ва Microsoftнинг ўз ҳисоб-ки-тоблари орасида айтарли тафовут йўқ. Компания вакили Брендон Лебланининг айтишича, амалиёт тизимлари бозорининг 16 фоизини бугун айнан Windows 7 ишғол қилган.

Италия почтасининг янги тарихи

- 2003 йил — Европада энг кўп фойдаланувчиларга эга Postepay тўлов картаси яратилди
- 2005 йил — Microsoft билан ҳамкорликда почта жўнатмаларини кузатиш онлайн-хизмати йўлга қўйилди
- 2006 йил — Poste Italiane акциядорларига биринчи дивидендлар тўланди
- 2006 йил — Бутунжаҳон почта иттифоқи учун Digital Postmark яратилди
- 2007 йил — Юқори технологиялар соҳасидаги новаторлик фаолияти учун Cisco Networkers Innovation Award мукофоти
- 2007 йил — PosteMobile мобил телефония бозорига чиққан жаҳондаги биринчи почта компанияси
- 2008 йил — Италия темир йўллари билан ҳамкорликда умумий интеграцияланган логистика хаби (Italia Logistica) ташкил этилди

Ҳамкорликдан умид катта

Телекоммуникация технологиялари жадал ривожланмоқда. Бу эса дунё тараккиётида улкан имкониятлар эшигини очмоқда. Ҳа, ахборотлашган асрда яшаймиз. Шу боис ҳам соҳани ривожлантириш давлат аҳамиятига молик вазифа бўлиб, Ўзбекистон иқтисодиётида амалга ошириладиган ислохотларнинг бош йўналишларидан биридир.

Фарғона вилоятида ҳам компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация, маълумот узатиш тармоқлари, интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартлари даражасига етказиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Энди АКТ нафақат бошқарув тизимида ишламоқда, балки оилаларга ҳам кириб борди. Бугун ахборот-коммуникация технологияларини сиз ҳаётимизни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Бу эса иқтисодиёт ва бошқарув самардорлиги ошишида, давлат ва унинг фуқаролари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кенгайиб бораётганида ҳам акс этмоқда. Ахборот ресурслари бозори ривожланиб, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Ўзбекистон Республикасининг ҳуку-

мат портали 2003 йил сентябрда ишлаб чиқилиб, интернетдан жой олган бўлса, сўнгги икки йилда вилоят ҳокимликларининг веб-саҳифалари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 декабрдаги қарорига кўра, ҳукумат порталига Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий давлат ахборот ресурси мақоми берилди.

Буларнинг ҳаммаси АКТ ривожига ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилишимизга ёрдам беради.

«Ўзбектелеком» АКнинг минтақавий филиалларида «Ўзбектелеком Мобайл» филиалларига хизмат кўрсатишни ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи чиқарилгани ҳам биз юқорида тилга олган ишларнинг мантиқий давомидир. Ўзбекистон Республикасининг чекка ҳудудларида CDMA-450 тармоғи



«Фарғона Телеком» филиалининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Элвира Атажонова, мутахассислар Расулжон Ҳожиқўлдошев, Жаҳонгир Турсунов ҳамда Саидбек Ўрибоевлар зиммаларидаги вазифаларни масъулият билан адо этмоқдалар.

орқали телекоммуникация хизматлари кўрсатишни ривожлантиришни кўзда тутиган ушбу буйруқ асосида «Ўзбектелеком» АК «Фарғона Телеком» филиалида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

— Июнь ва июл ойлари давомида симли алоқа етиб бормаган жойларга 330та «ЎзМобайл» стационар аппаратлари ўрнатилди, — дейди филиал ишлаб чиқариш бўлимининг интернет,

«ЎзМобайл» видеотелефония хизматлари бўйича етакчи мутахассиси Акматжон Муллажонов. — Шундан 305таси аҳоли, 25таси юридик шахслардир. Бағдод, Фарғона, Охунбобоев туманлари телекоммуникациялар боғламаларида мутахассислар Баҳодиржон Акбаров, Мавлонжон Зайлиддинов ҳамда Нарғиза Бекмирзаевалар, айниқса, самарали фаолият олиб боришмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, абонентлар тезкор интернет хизматлари, қулай ва арзон тариф режалари, янги хизмат турлари ишлаб чиқилганидан мамнун. Яна йил охиригача 2500та стационар аппаратлари ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

«Коинот Эл-СГМ» ускуналари ўрнатиш ишлари ҳам пухталиқ билан ташкил этганлиги боис халқнинг оғири енгил, узоғи яқин бўлмоқда.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
«Xabar»нинг
Фарғона вилоятидаги
мухбири

➤ DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга онд кўшимча чораталбирлари тўғрисида»ги қарори ахборот технологиялари тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу қарор ижросини таъминлаш борасида Қашқадарё вилоятида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифати яхшиланиб бормоқда.

Бироқ, шунга қарамасдан, вилоятдаги айрим корхоналарда ҳамон қатор камчиликлар мавжудлиги кузатиляпти.

Вилоят Давлат алоқа инспекцияси ҳамда «Ўзбектелеком» АК «Қашқадарё Телеком» филиали билан телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш, унинг самардорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш сифати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳамкорликда ишлаш бўйича ўзаро келишувига асосан филиал телекоммуникация боғламаларида ўрганишлар ўтказилди.

Лоқайдлик лойга, эътибор элга яқинлаштиради

Косон телекоммуникациялар боғламасида ўтказилган ўрганиш жараёнида боғламага истеъмолчилардан тушаётган мурожаатлар қайд қилиш умумий кириш дафтарида расмийлаштирилиб борилса-да, бўлиб, мурожаатлар учун алоқида дафтар юритилмаган. 2009 йил давомида боғламага тушган мурожаатлар умумий кириш дафтарида қайд қилинган, бироқ 16-шакл алоқа (мурожаат) статистик ҳисоботида мурожаатлар тўлиқ киритилмаган.

Туман телекоммуникациялар боғламасида истеъмолчиларга кўрсатиладиган алоқа хизматларининг сифатсизлиги ва телефонлар қоникарсиз ишлаётганлиги, носозликлар мавжудлиги юзасидан тушаётган мурожаатларни қабул қилиш бўйича автоматик таъмирлаш бюросини ташкил қилиш ишлари етарли даражада эмас.

2009 йил давомида боғламада режа бўйича мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари бажарилмаган. Ўлчов воситаларининг метрологик кўрикдан ўтганлиги тўғрисида далилатномалар мавжуд эмас.

Боғлама ишчи-ҳодимлари шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланмаган, ишчи-ҳодимлар

учун қулай шароит яратилмаган, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган, ёнгин хавфсизлиги масалаларига ҳам планжа ортидан қаралган бўлиб, ўт ўчириш воситалари назорат текширувидан ўтказилмаганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, туман марказидаги Шароф Рашидов кўчаси бўйлаб ўтказилган алоқа линиялари қудуқлари ўрганиб чиқилганда, айрим қудуқларда сув мавжудлиги, каналлар беркитилмаганлиги, қудуқларнинг остки қопқоғи йўқлиги, 5-митти туманидаги тарқатиш жавони қўлдан ясалган бўлиб, абонент симлар тартибсиз жойлаштирилганлиги, бокслар рақамланмаганлиги, тарқатиш жавонининг паспорти йўқлиги, алоқа кабеллари электр узатиш кабеллари билан бирга осилган жойлар борлиги аниқланди.

Ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликлар шунини кўрсатадики, Косон телекоммуникациялар боғламасида телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг моҳиятини тўғри англаш, истеъмолчиларга кўрсатиладиган хиз-

матларнинг тури, сифати ва самардорлигини оширишда ҳали қилинадиган ишлар талайгина.

«Қашқадарё Телеком» филиали маъмурияти ва Косон ТБ масъул раҳбар ва ходимлари ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиб, касб маҳоратларини ошириш борасида ўйлаб кўрсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Боғламада телекоммуникация иншоотлари ва линия хўжаликларини қўриқлаш бўйича туман ИИБ билан келишилган чора-тадбирлар режаси бор, ammo туман ҳокимияти томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режаси мавжуд эмас.

Шунингдек, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиали Косон почта алоқаси тармоғига топширилган телеграммалар қўлда тайёрланган квитанция орқали топширилиб, уларнинг реестри ташкил этилмаган. Келган телеграммалар махсус журналда қайд қилинмай, фақат ойлик равишда келган телеграммалар сони кўрсатилиб, хатоликка йўл қўйилган (брак) телеграммалар журнали ва хизмат телеграмма ёзишмалари дафтари тугтилмаган.

Бозор иқтисодиёти жараёни, алоқа ва ахборотлаштириш асрида соҳа ходимлари олдида бугунги кун янгиланган талабларни қўймоқда. Бу камчиликларни бартараф этиш учун соҳа ходимлари ишлаб чиқариш жараёнида янги изланишлар олиб боришса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Зафар БОЙМИРОВ,
Қашқадарё вилояти
ДАН бошлиғи

Комиссия йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси
Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг (РЧДК) навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда РЧДК томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йилида амалга оширилган ишлар муҳокама этилди. Иш режасига асосан ҳисобот даврида республика радиочастота бириктиришларини халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан оқилона фойдаланиш, аналог телеэшитиришдан рақамли телеэшитиришга ўтиш, радиочастота спектрдан фойдаланишга оид норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ишлари амалга оширилди.

Республика ҳудудида, жумладан, чегарадош ҳудудларда радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларнинг ҳалақитларсиз ишлашнинг таъминлаш чора-тадбирлари ҳамда радиочастота спектрини назорат (мониторинг) қилиш тўғрисидаги ахборот йиғилишига алоҳида масала сифатида тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Частоталарни тақсимлаш жадвалига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи кўриб чиқилди ва муҳокама этилди.

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат дастурларининг трансляциясини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида” вақтинчалик низомнинг янги таҳрири тасдиқланди. Бутунжаҳон радиоалоқа конференциялари “Ўзбекистон Республикаси радиочастота бириктиришларини халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида низом”га киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар маъқулланди.

Кабел телевидение тармоқларида Wi-Fi технологиясидан фойдаланиш истикболларини ўрганишга оид илмий-тадқиқот ишининг бориши ва IEEE 802.15.4 ZigBee стандарти технологиясидан фойдаланиш ҳақидаги ахборот тинланди.

Республика алоқа маъмуриятининг халқаро ташкилотлар фаолиятида, жумладан, 21-25 июн кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик (АСХХ) кўмағида ўтказилган Халқаро электралоқа иттифоқининг “Радиочастота спектри ва йўлошли орбитадан фойдаланишни халқаро миқёсда бошқариш” мавзусидаги Ҳудудий семинар-практикумда иштирок этганлиги таъкидланди.

Йиғилиш чоғида РЧДКнинг қабул қилган қарорларига асосан ажратилган частота полосаларидан радиочастота спектрдан фойдаланувчиларининг тажриба учун фойдаланиш ишларининг бориши, юридик шахслар томонидан ҳам сотиш мақсадида, ҳам ўз эҳтиёжлари учун республика ҳудудига олиб кирилаётган радиоэлектрон воситаларидан фойдаланиш ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Кун тартибидоги кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

“Компютер саводхонлиги” талаба ёшлар отрядлари ёрдамида республика аҳолисида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича Тошкент ахборот технологиялари университетининг юқори курс талабалари томонидан ташкил этилган ўқув курслари якунига етди.

“Бунёдкор ёшлар”нинг самарали хизматлари

Жорий йилда “Бунёдкор ёшлар”нинг хизматлари ҳар йилгидан-да самарали бўлди, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, аҳолида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасида амалий кўникмаларни шакллантиришга доир ўқув курсларининг ташкил этилганлиги самарали ишларнинг ёрқин намунасида.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режаси асосида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, “Маҳалла” республика хайрия жамғармаси ҳамда “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази кўмағида “Компютер саводхонлиги” талаба ёшлар отрядлари 2010 йил 5 июлдан 30 июлга қалар 4 ҳафта давомида ҳар хил тоифадаги тингловчилар учун дарслар олиб боришди.

Компютер саводхонлиги ўқув курсларида ўрта махсус касб-хунар коллежлари ўқувчи ва ўқитувчилари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари, маҳаллий ҳокимлик органлари ва алоқа корхоналари ходимлари — жами 15 мингдан ортиқ киши ўқитилди.

Ўқув курслари республикамиз шаҳар ва туманларидаги 200та касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг компютер синфларида ўтказилди. ТАТУ ва унинг ҳудудий филиалларининг юқори курс бакалаврлари ва магистрантларидан жами 400 нафар талаба бу жараёнда иштирок этди. Машгулотлар жараёнида материалларни бойитиш, тарқатма материаллар билан таъминлаш ҳамда курсларни самарали ташкил этиш учун ТАТУ томонидан ўқув курслари учун 2 мингдан ортиқ махсус “Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари ҳамда интернет тизими янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш” номи тренинг курс қўланмаси, тақдимот материаллари (электрон шаклда) ҳамда 400дан ортиқ DVD дискларда эркин ва очиқ кодли UzMOT амалиёт тизими ва ахборот технологиялари бўйича мультимедиа интерактив ўз-ўзини ўргатувчи дастурий мажмуалар ишлаб чиқарилди, тарқатилди ҳамда кейинчалик яна ўқув курсларини ташкил этиш, мустақил шуғулланиш ва фойдаланиш мақсадида жойларда қолдирилди.

Бир ой давом этган бу даражадаги кенг қўламли машгулотлар келгусида ўз самарасини берди, албатта. Таътил давомида “Бунёдкор-2010” меҳнат қурилиш отрядлари ҳам иш олиб боришди. ТАТУнинг Самарқанд филиалида 2010 йил 1 июл кунин филиал маъмурияти, факултет деканати, “Камолот” ЁИХ кузатув маросими ташкил этиб, 4 гуруҳдан иборат 20 нафар “Бунёдкор-2010” меҳнат қурилиш отрядларини Бухоро, Навоий, Жиззах ва Самарқанд вилоятларига тантанали равишда кузатиб қўйишган эди.

— “Бунёдкор” талаба ёшлар гуруҳи “Ўзбектелеком” АКнинг вилоятлардаги филиалларига қарашли туман телекоммуникациялар боғламаларида таъмирлаш ишларига ёрдам бериш, линия-кабел ҳужалигининг техник меъёр талабларига, қудуқлардаги кабелларни тартибга келтириш, телефон йўли учун траншея қазииш ишларини амалга оширишди, — деди ТАТУ Самарқанд филиали Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Ш.Бўрибоев. — Шунинг-



рот технологиялари бўйича мультимедиа интерактив ўз-ўзини ўргатувчи дастурий мажмуалар ишлаб чиқарилди, тарқатилди ҳамда кейинчалик яна ўқув курсларини ташкил этиш, мустақил шуғулланиш ва фойдаланиш мақсадида жойларда қолдирилди.

Бир ой давом этган бу даражадаги кенг қўламли машгулот-

дек, ер ости ва ҳаводан тортилган кабелларни таъмирлаш ишларида иштирок этдилар. Сафарбарлик ниҳоясига етгач, “Бунёдкор-2010” меҳнат отряди ишчи гуруҳи филиал маъмурияти томонидан муносиб кутиб олинди.

2010 йил 1 июлдан 30 июлгача бўлган муддатда ТАТУнинг Телекоммуникация факултети талабаларидан иборат “Алоқачи-қурувчи” қурилиш отряди “TELEKOM QURILISH” МЧЖда меҳнат қилиб, малака оширишди. Отряд аъзоларига ўз хоҳишлари бўйича ёзган аризаларига биноан 20 нафар талаба қабул қилинди.

— Бунёдкор талабалар учун “TELEKOM QURILISH” МЧЖда барча шарт-шароитлар яратилди, жумладан, тушликда иссиқ овқат, маънавият ва маърифат соатларини ўтказиш учун алоҳида хона, стол тенниси, шахмат, шашка, баскетбол каби спорт ўйинлари билан шуғулланишлари ва ювинишлари учун шароит яратилди, — деди “Алоқачи-қурувчи” отряди сардори М.Йўлдошев. — Бир ой давом этган иш якунида “TELEKOM QURILISH” МЧЖ ва ТАТУ раҳбарияти иштирокида тантанали йиғилиш ўтказилди ва талабаларга эсдалик совғалари топширилди. Отряд аъзоларига шу куннинг ўзида ишлаган машошлари тарқатилди. Энг яхши ишлаган Фазлиддин Шораҳимов, Зафар Саидов, Алишер Иброҳимовларнинг хизматлари алоҳида эътироф этилди.

— Бунёдкор талабалар учун “TELEKOM QURILISH” МЧЖда барча шарт-шароитлар яратилди, жумладан, тушликда иссиқ овқат, маънавият ва маърифат соатларини ўтказиш учун алоҳида хона, стол тенниси, шахмат, шашка, баскетбол каби спорт ўйинлари билан шуғулланишлари ва ювинишлари учун шароит яратилди, — деди “Алоқачи-қурувчи” отряди сардори М.Йўлдошев. — Бир ой давом этган иш якунида “TELEKOM QURILISH” МЧЖ ва ТАТУ раҳбарияти иштирокида тантанали йиғилиш ўтказилди ва талабаларга эсдалик совғалари топширилди. Отряд аъзоларига шу куннинг ўзида ишлаган машошлари тарқатилди. Энг яхши ишлаган Фазлиддин Шораҳимов, Зафар Саидов, Алишер Иброҳимовларнинг хизматлари алоҳида эътироф этилди.

— Бунёдкор талабалар учун “TELEKOM QURILISH” МЧЖда барча шарт-шароитлар яратилди, жумладан, тушликда иссиқ овқат, маънавият ва маърифат соатларини ўтказиш учун алоҳида хона, стол тенниси, шахмат, шашка, баскетбол каби спорт ўйинлари билан шуғулланишлари ва ювинишлари учун шароит яратилди, — деди “Алоқачи-қурувчи” отряди сардори М.Йўлдошев. — Бир ой давом этган иш якунида “TELEKOM QURILISH” МЧЖ ва ТАТУ раҳбарияти иштирокида тантанали йиғилиш ўтказилди ва талабаларга эсдалик совғалари топширилди. Отряд аъзоларига шу куннинг ўзида ишлаган машошлари тарқатилди. Энг яхши ишлаган Фазлиддин Шораҳимов, Зафар Саидов, Алишер Иброҳимовларнинг хизматлари алоҳида эътироф этилди.



Сайёр йиғилиш

Яқинда Махсус авария-тиклаш бошқармаси (МАТБ) касаба уюшмаси кўмитаси жамоа шартномасининг жорий йил биринчи ярмида бажарилиши аёнлигига бағишланган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

Паркент туманининг хушманзара "Сумча" дам олиш уйида ўтказилган йиғилишда бошқарманинг вилоятлардаги бўлинмалари раҳбарлари ҳамда касаба уюшмаси фаоллари иштирок этди. Йиғилишнинг биринчи кунини МАТБ касаба уюшмаси кўмитаси раиси А.Султонсаидов ва бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Ю.Собировларнинг жамоа шартномаси бажарилиши юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Бошқарма касаба уюшмаси кўмитасининг 600дан зиёд аъзоси бор. Уларнинг ижтимоий ва моддий ҳимояси учун иш берувчи ва касаба уюшмаси етакчилари биргаликда режали иш олиб бормоқда. Ҳар ойда касаба уюшмаси фаолларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ижтимоий муҳофазага оид янгиликлар билан яқиндан таништириб бориш мақсадида жойлардаги бўлинмаларда "Касаба уюшмаси соатлари"ни ўтказиш аниқланган бўлиб, ўтган даврда иш жойларида меҳнат муҳофазаси бўйича мониторинг



ўтказилиб, аниқланган камчиликларнинг бартараф этилишига эришилди. Шунингдек, маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган. Жумладан, ҳисобот даврида алоқачиларнинг касб байрами кунини меҳнат фахрийлари билан учрашув уюштирилди. Соелом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бошқарма ходимлари фаоллигини янада кучайтириш мақсадида икки босқичли спартакиада ўтказилди. Унинг биринчи босқичида 450 нафар, иккинчи босқичида 87 нафар

ходим қатнашди. Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига атаб уч босқичли тадбир уюштирилди. Унда Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари иштирокида гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари, ОИТС касалигининг келиб чиқиш сабаблари ва зарарлари ҳақида кенг тушунчалар берилди. Спорт тадбирлари, театрлаштирилган чиқишлар ҳам ходимлар томонидан илқ кутиб олинди.

Музокараларда МАТБ Бухоро, Термиз, Тошкент ва Самарқанд вилояти бўлинмаси бошлиқлари — М.Нарзиқулов, Б.Абдурахмонов, А.Азимов, С.Ҳайитов, бўлинма касаба уюшмаси гуруҳи ташкилотчилари — Ё.Абдурашулов, Т.Убайдуллаев, Р.Қайюмов ва бошқалар сўзга чиқишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Сайёр йиғилишнинг иккинчи кунини янги сайланган касаба уюшмаси кўмитаси раислари, гуруҳ ташкилотчиларига услубий ва амалий ёрдам бериш мақсадида ўқув машғулоти ўтказилди.

Муҳиддин СОЛИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоми"нинг 49-бандига асосан:

"Оскар-Термиз" масъулияти чекланган жамиятнинг (Термиз ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001371 рақамли;

"ОКТАВА PLUS" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002140 рақамли;

"DZET" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001236 рақамли;

"INTERNET MEDIA" хусусий корхонасининг (Бухоро ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001327 рақамли;

"UNIVERSAL ALOQA QURILISH" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001107 рақамли;

"NG SERVICE" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002932 рақамли;

"ABROR AKMALJON" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002324 рақамли;

"JAHON-KONTINENT" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001118 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 2 августдан тугатилди.



OBUNA-2010

Обуна давом этмоқда

Қадри муштарийлор!
"Xabar" газетасига иккинчи ярим йиллик учун "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг барча почта алоқаси бўлинмалари ва "Матбуот тарқатувчи" АК шохобчаларида обуна бўлишингиз мумкин.

Газета ҳафтанинг жума кунини, 16 саҳифада, тўлиқ теледастурлар билан чоп этилади. Шошилиг, обуна давом этмоқда.

Xabar — Сизнинг газетангиз!

Нашр кўрсаткичи — 228.

Табриклимайинг!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Олтиариқ почта алоқаси тармоғи ходими Муҳаммаджон МИРЗАКАРИМОВни 60 ёши, Фарғона почта алоқаси тармоғи ходими Комилжон РАҲМАТОВни 50 ёши билан чин дилдан қутлаб, уларга мустақкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришликни тилайди.

Соҳада спорт ривожини

Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимида ходимларнинг спорт билан шуғулланиши учун мунтазам равишда спорт тadbирлари ўтказиб келинади. Бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масаласига жиддий эътибор қаратиляпти. Бу борада Республика алоқа ходимлари касаб ва уюшмаси Марказий кенгашининг сайъ-ҳаракатлари тахсинга сазовор. Марказий кенгаш мутахассиси Суннат Абдуғаниев билан сўхбатимиз соҳада спортни оммалаштириш, ўтказилаётган мусобақалар ва алоқачилар эришяётган натижалар ҳусусида бўлди.

— “Баркамол авлод йили” да соҳамизда ўтказилаётган спорт тadbирлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Соҳамизда йил давомида кўплаб катта ва кичик спорт тadbирлари ўтказилиши олат бўлиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмас. Жорий йилнинг 16-18 апрел кунлари ТАТУнинг 2-лисейи спорт залида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг Тошкент шаҳрида жойлашган таълим муассасалари ўқувчилар жамоалари ўртасида “Баркамол авлод йили” га бағишланган спорт фестивали ўтказилди. Бу тadbир “Хабар” газетасида кенг ёритилган эди.

Май-июн ойлари давомида соҳа корхона ташкилотларида шахмат, рус шашкаси ва стол тенниси бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида “Баркамол авлод йили” га бағишланган республика спартакиадасининг биринчи босқич мусобақалари ўтказилди. Спартакиаданинг иккинчи босқичи июль-август ойларида вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида ўтказилмоқда. Бу мусобақалар дастурига кўпқараш беллашувлари қўшилди. Якуний финал босқичи баҳслари эса август-сентябр ойларида ўтиши режалаштирилмоқда.

Шулар билан бир қаторда, ўқитувчилар ва мураббийлар кўни арафасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимига кирувчи акциядорлик компаниялар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари ва катта ёшдаги ходимларидан тузилган жамоалар ўртасида мини-футбол бўйича мусобақа ўтказилиши режалаштирилган. Раҳбарлар ва катта ёшдаги ходимлардан тузилган жамоалар ўртасидаги ilk баҳслар 2005 йили Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи спорт аренасида ўтган эди. Ҳар беш йилда соҳамиз раҳбарлари ва фахрийлари ўртасида мини-футбол бўйича республика мусобақаларини ўтказиш анъана тусини олса ажаб эмас.

— Соҳанинг энг эътиборли ва жиддий мусобақаларидан бири футбол бўйича Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Алоқа ходимлари касаб ва уюшмаси Марказий кенгаши Кубоги баҳслари. Кўчма соврининг саралаш босқичи ўйинлари қандай кечди?

— “Шарқий” худудий-минтақавий мусобақалар 14-16 июн кунлари Наманган шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Андижон, Наманган, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари вакиллари иштирок этишди. Бу гуруҳдан “Наманган Телеком” ва “Тошкент Телеком” жамоалари финал босқичи йўлланмасини ҳал қилишди.

6-8 июл кунлари Жиззах шаҳрида ташкил этилган “Гарбий” худудий-минтақавий саралаш мусобақаларида Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари вакиллари қатнашдилар.

“ЎЗИ-Жиззах” ва Самарқанд ШМАТБ-4 жамоалари финал йўлланмасига эга бўлишди.

Навоий шаҳридаги саралашда эса Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари вакиллари финал босқичига бериладиган иккита йўлланма учун кураш олиб бориши режалаштирилган эди, аммо “Қорақалпоқ Телеком” ва “Алоқабанк”нинг Хоразм филиали жамоалари “Гарбий” худудий-минтақавий саралаш мусобақаларига кела олмастлигини билдиришди. Натижада иккита йўлланма курашсиз “Алоқабанк”нинг Навоий ва Бухоро филиаллари жамоаларига nasib эди. Жамоалар мусобақаларга қандай сабабларга кўра кела олмаганлигидан қатъи назар, бу соҳа футбол учун салбий ҳолат ҳисобланади. Келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун Ташкилий кўмита керакли чораларни кўради, деб уйлайман.

Шу ўринда Тошкент шаҳридан финал босқичида иштирок этадиган жамоалар сонини кўпайтириш масаласи қайта кўриб чиқилса, менимча, тўғри бўлар эди. Пойтахт жамоалари кўрсатиб келаятган футбол даражаси сўғи йилларда анча ўсгани ҳам эътиборга олинши зарур.

— Пойтахт жамоаларига бундай ўсишинг сабаби нимада?

— Авалги йиллар Тошкент шаҳри минтақавий мусобақаларида ТШПТ, ШАК, ТАТУ ва “Билайн” жамоалари қолган жамоаларга “ким кўпроқ тўп киритиш” га баҳслашар эдилар. Натижада 20-25 гол фарқи билан яқунланган ўйинларга гувоҳ бўлар эдик. Бундай ҳисоб билан ютқазган жамоаларнинг иштироки ўйиндан-ўйинга суллашиб борар эди. Бу салбий ҳолатни бартараф этиш мақсадига 2009 йили Тошкент шаҳрида саралаш мусобақаларида иштирок этувчи жамоалар икки босқичга — Саралаш турнири ва Ўтиш турнирига сингаш тариқасида бўлинди. Натижада мусобақаларда бўлган кизиқиш анча олди ва иштирок этувчи жамоалар сонини ҳам кўпайтирди. Соҳа кубоги учун саралаш мусобақаларида 5-6 йилдан бери иштирок этмаган Махсус авария-тиклаш бошқармаси, Ўздуңробита (МТС) жамоалари бу йил Ўтиш турнирида фаол қатнашмоқдалар. 2008 йили Тошкент шаҳри минтақавий мусобақаларида 18та жамоа иштирок этган бўлса, жорий йилда 21 жамоа қатнашляпти. Келгуси йили эса яна ЎзААА, “East Telecom” ва бир нечта жамоаларнинг мусобақаларга қўшилиши кутилмоқда.

Саралаш турнирида эса соҳамизнинг энг кучли жамоалари ўзига тенг жамоаларга қарши беллашиб, маҳоратларини оширмоқдалар.

— Саралаш турнирида етти жамоа

кураш олиб борляпти. Шулардан олти таси финалга йўллангани кўлга киритляди. Бу ҳолат курашни сусайтирмайдими?

— Агар Саралаш турнири таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, ТШПТ, Билайн, ТАТУ ва ШАК жамоалари фаворитлар сифатида баҳоланадилар. Бу табиий ҳол. 2009 йил финал ўйинларида айнан шу жамоалар мазмунли ўйин кўрсатиб, 1-4 ўринларни кўлга киритган эдилар. Алоқабанк, UzNET ва ТШПТ-2 жамоалари грандларимизга ҳозирча тенгма-тенг қаршилик қила олмайдилар, лекин вилоятлардан финалга чиққан жамоаларга қарши тенг кураша оладилар. Бу учта жамоанинг даражасини ёки имкониятларини инобатга олган ҳолда, айтиш мумкинки, уларнинг финал ўйинларида иштирок этиши адолатлидир.

— Ўтиш турнири ўйинларининг деярли ярми ўтди. Шундай экан, сизнингча келаси йил Саралаш турнирида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритадиган жамоалар унда муносиб иштирок эта оладиларми? Қайси жамоалар бу ўйинларга даъвогарлик қилляпти?

— Ўтиш турнири иштирокчилари мусобақаларнинг биринчи ўйинларида ноқ ўз олдиларига қўйилган вазифаларни амалга ошириш борасида астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бу турнир иштирокчиларини мен икки тоифага бўлган бўлар эдим. Биринчиси: турнирда голиб чиқиб, совриндор ўринларни эгаллашнинг мақсад қилган жамоалар. Булар сирасига “А” гуруҳидан Тошкент почтамати, МАТБ ва МТС жамоалари, “В” гуруҳидан UCELL, ЭМММ ва ТопТТС жамоалари кирди.

МТС жамоасининг имкониятлари ва тажрибасини инобатга олиб, кучлилар гуруҳига муносиб жамоа деб ҳисоблайман. Шунингдек, Тошкент почтамати жамоаси тўғрисида ҳам икки оғиз айтиб ўтиш лозим. Ўтган йили Ўтиш турнирида учинчи ўринни эгаллаган бу жамоа вақтини бекор сарфламаган кўринади. Тактик ва техник элементларда ўсиш борлиги аниқ. Фақат жисмоний тайёргарлик ҳамда тартиб ва ўйин интизомини устида бир оз ишлашларига тўғри келаяди.

МАТБ жамоасининг ўйинчилари майдонда ўзини тутиши ва тўп суриши “катта” футболга яқинроқ кўринади. Бу жамоанинг потенциали жуда катта. Агарда 2011 йил мавсуми бошлангунига қадар бу жамоа ўз таркибининг сақлаган ҳолда айнан спорт залида машқ қилиб тайёрланса, ундан кўп нарсани кутсак бўлади.

UCELL жамоаси ўйинга бўлган иштироки, жиддий муносабати билан ажралди турли. UCELL жамоаси 13 кишидан кам бўлган таркибда келганини ҳали кўрмадим. Жамоа ўйинда жамоавий усулни маъқул қўради. UCELL жамоасининг ташкил этилиши ва кундан-кунга улеайишида жамоа сардори Сардор Умаровнинг ҳиссаси катта.

ЭМММ жамоаси таркибида Ҳусниддин Муитдиновдек ҳужумчи бор экан жамоа тўп урмасдан майдонни тарқ этмайдди. Жамоа 4 ўйинда рақиб дарвозасига 31 тўп киритган бўлса, шулардан 26тасига Ҳусниддин муаллифлик қилди. ЭМММ жамоасининг Мониторинг маркази жамоасига ўйинни бой бериб қўйганига ҳам айнан Ҳусниддиннинг жароҳати сабаб ўйинга туша олмаганлигидир.

Қолганлар, айниқса, UzMobile, Мониторинг маркази, Alskom, PPTM, Mat-

буот тарқатувчи, ДАИ жамоалари мусобақаларга тайёргарликни нари борса бир ой илгари бошлаган. Бундай тайёргарлик билан баҳсларда етакчилик қилиш қийин, албатта.

— Ўтган йили финал босқичи ўйинларида чорак финалгача етиб борган Unicon.uz жамоаси нима сабабдан бу йил Ўтиш турнирида иштирок этипти?

— Unicon.uz жамоасининг етакчиси Дилшод Аҳмедов Ташкилий кўмита томонидан 2010 йил ўйинларида қатнашишдан маҳрум этилган. Жамоа етакчилари — Фарҳод Абдумавлонов ва Шаҳзод Бўриевлар футбол бўйича мамлакат миллий чемпионатининг олий лигасида иштирок этаётган “Ардус” жамоасига таклиф этилдилар ва ўзларининг янги жамоалари таркибида шу йили Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлишди. Соҳамиз ўйинчилари олий лига жамоаларига таклиф этилиши фахрланса арзийдиган фактдир. Шу билан бир қаторда, бу — соҳамиз футболни нуфузи ўсаётганлигига яққол мисолдир.

Шундай қилиб, етакчиларсиз қолган Unicon.uz жамоаси ўз имкониятларини таҳлил қилиб, Саралаш турнирида муносиб иштирок эта олмастлигини билдирган ҳолда, ўз илтимосларига кўра Ўтиш турнирига ўтказилди.

— Саралаш мусобақаларида кўрсатган ўйинлардан келиб чиқиб, финал босқичида жамоалар имкониятлари тўғрисида қаскача гапириб берсангиз.

— Саралаш турниридан финалга йўлланмаларни кўлга киритган ТШПТ, Билайн, ТАТУ ва ШАК жамоалари энг юқори ўринлар учун асосий кураш олиб борадиган жамоалардир. Булар қаторига “Алоқабанк”нинг Бухоро ва Навоий филиаллари жамоаларини қўшиш мумкин.

Шубҳасиз, биринчи ўринда ТШПТ жамоасини тилга олиш лозим. Бу жамоанинг таркиби ўтган йилга нисбатан ўзгармаган. Шу билан бир қаторда, ўтган йилнинг асосий таркиби ўйинчиси бўлмаган Шерзод Йўлдошев, Азамат Мирзаев ва Азиз Муҳитдиновлар анча улғайиб, ўз маҳоратларини юксалтиришган. Азамат Мирзаев ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Шу кетишда нари борса икки йил ичида бу футболчимиз ҳам олий лига жамоаларининг бирига таклиф этилса, ажаб эмас. ТШПТ жамоаси, шубҳасиз, энг юксак ўринга асосий даъвогар жамоадир.

“Билайн” жамоаси ўтган йилгидек саралаш ўйинларини анча қийин ўтказди. Бу жамоанинг финалга тайёргарлиги кўриш усулидир. Жамоада таркибий ўзгаришлар йўқ. Ҳаммаси финал ўйинларида “Билайн” жисмоний ҳолати қай даражада боришига боғлиқ.

ТАТУ жамоаси таркибига ўтган йилга нисбатан битта ўйинчи — Марат Турабеков қўшилган. Комбинашон ўйин олиб борадиган бу жамоа таркибида энг юксак натижаларни таъминлашга қодир бўлган бир қатор ўйинчилар мавжуд.

ШАК жамоаси таркибига дарвозабон — Элдёр Домлаев ва ҳимоячи Акмал Холматовлар қўшилган. Саралаш ўйинларида жамоа комбинашон, юқори техник даражадаги ўйин тарафдори эканлигини яна бир бор намойиш этди.

Қисқаси, юқорида қайд этилган жамоаларнинг барчасида голиб чиқишга имкониятлар етарли.

Ўтган йилнинг охирига обод бўлсин

Саралаш турнири

Тошкент шаҳри худудий-минтақавий саралаш мусобақаларининг олтинчи тур ўйинлари ўтказилди.

6-тур

ТШПТ-2 — ТАТУ — 1:6
Алоқабанк — ШАК — 3:6
UzNET — Билайн — 3:1

Ўтиш турнири

“Тошкент шаҳар ўтиш турнири” да ҳам навбатдаги тур баҳслари бўлиб ўтди.

“А” гуруҳи. 5-тур

МАТБ — Matбуот тарқатувчи — 5:0
Тошкент почтамати — UzMobile — 11:1
МТС-Ўзбекистон — ДАИ — 3:0

“В” гуруҳи. 5-тур

Мониторинг маркази — Unicon.uz — 1:0
ТопТТС — Alskom — +:-
ЭМММ — Ucell — 3:5

Мусобақаларнинг якуний натижалари ҳақида газетамизнинг навбатдаги сониди батафсил маълумот берамиз.

Темур тузуклари ва миллий ҒОЯ

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўз тарихи, маданияти ва шу халқ маданий ва маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирган ўз олиму фузалолари, давлат арбоблари, алломалари бор. Агарда тарихга чуқурроқ назар ташласак, ҳақиқатан ҳам халқимиз ўзининг бой моддий ва маънавий мероси билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлигига амин бўламиз. Айниқса, аждоқларимиз қолдирган маънавий мерос, яъни улар яратган асарларда адолат ва ҳақиқат ғоялари ўз аксини топганлиги ва ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаганлиги, аксинча қадр-қиммати янада ошаётганлиги тарихий ҳақиқатдир. Ана шундай тарихий асарлардан бири миллий давлатчилигимиз тарихида чуқур из қолдирган “Темур тузуклари” дир.

Асарнинг нафақат халқимиз тарихида, балки умумжаҳон цивилизациясида ҳам муҳим рол ўйнагани аини ҳақиқат. Рус олими Д.Логофет “Темур тузуклари”га шундай баҳо берган: “Европада конституция ҳақида тунунчага ҳали эга бўлишмаган бир даврда Темур давлатида конституцион қонунлар мажмуаси — Тузук мавжуд бўлган ва амал қилган”. Айниқса, давлат бошқарув тизимида “Темур тузуклари” кўпгина мамлакатлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилгани диққатга сазовордир. Шу мақсадда улар “Темур тузуклари”ни ўз тилларига таржима қилиб, мустақам давлат қуриш йўлини, бошқаруvida нималарга эътибор қаратилишини Соҳибқирон ўғитларига амал қилган ҳолда ўрганиб, давлат бошқаруvida кенг фойдаланганлар. “Темур тузуклари”нинг 1783 йил француз, 1785 ва 1791 йилларда ҳинд, 1863 йил форс, 1830 йил инглиз, 1894 ва 1934 йилларда рус тилларида чоп этилгани юқорида айтилган фикримизга яққол далил бўлади.

Агарда Амир Темур қолдирган маънавий меросимиз ҳисобланмиш “Темур тузуклари”ни чуқурроқ ўрганиб, унда айтилган маслаҳатлар, насиҳатларни чуқур таҳлил қилсак, Соҳибқироннинг нафақат кенг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий қарашлар, балки юксак инсоний фазилатлар соҳиб эканлигига амин бўламиз. Тузукларда ёзилганидек: “Бузуқи, оғзи шалоқ, гийбатчи одамларни мажлисларимга йўлатмадим. Сўзларига амал қилмадим. Бирон кимса хуСУСИДА туҳмату гийбат қилсалар, қулоқ солмадим”.

Айниқса, миллий тараққиётга тўсқинлик қилувчи, халқ тинчлиги ва аҳиллигига, инсон ҳаётига жиддий хавф солувчи турли иллатларга қарши кескин курашда Амир Темурнинг ўрни

беқиёсдир. Шу ўринда савол туғилади, бу қандай иллатларки халқ тинчлиги, аҳиллиги ва миллий тараққиётга раҳна солса? Бу иллатлар — ҳасад, гараз, гийбат, лоқайдлик ва бошқалардир. Бу иллатлардан нафақат бизнинг халқимиз, балки бошқа халқлар ҳам жабр кўрган. Демак, бу иллатлар миллат танламайди.

Ушбу иллатлардан энг муҳим ва қабихи — ҳасаддир. Юртбошимиз Ислон Каримов “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида ёзганидек, “Одамзот ва жамият ҳаётида оғир асорат қолдирадиган ҳасад туйғуси авваламбор бошқаларни кўролмаслик, уларнинг ютуғидан қувониш ўрнига, қандайдир куйиниш, ичиқоралик оқибатида пайло бўлади. Шунинг учун ҳам муқаддас китобларимизда ҳасад инсонийликка мутлақо зид бўлган жирканч одат сифатида қаттиқ қораланади. Жумладан, муборак ҳадисларда “Бировга ҳасад қилишдан сақланинг, чунки олов ўтинни қандай куйдириб тугатса, ҳасад ҳам қилган савоб ишларингизни худди шундай куйдириб тугатади” деб айтилгани бежиз эмас... Мухтасар айтганда ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшашни ҳаётимиз қойласига айлантирсак, ҳеч шубҳасиз, биз миллий тараққиёт бобида янада юксак марраларни эгаллашга эриша оламиз”.

Ҳасад нафақат инсон ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатади, балки миллий тараққиётимизга ҳам тўсқинлик қилади. Айнан шу иллат таъсирда мустабид тузум даврида кўпгина улуг ёзувчи ва олимларимиз, давлат арбоблари, жумладан, улуг бобокалонимиз Амир Темур номи ҳам қораланди. Улар яратган маънавий мерос йўқ қилинди. Энди янги-ча фикрлаш, янги-ча тафаккур қилиш вақти келди. Халқимиз азалдан яхшиликка интилувчи, яхшиликнинг қадрига етувчи, яхшиликни севувчи халқдир. Аллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда яхшиликка интилиб яшаш, ҳаётни ҳам, инсонни ҳам яхши томонларини кўра билиш ва ёритиш вақти келди. Бунинг учун юртимизда ҳамма шароитлар мавжуд.

Хуллас, беқиёс салоҳият соҳиб бўлган бу улуг зот адолатга асосланган қудратли давлат барпо этди ва уни оқиллик билан бошқарди. Буни нафақат бизнинг халқимиз, балки дунё ҳам-жамияти ҳам эътироф этаятгани ҳақиқатдир. Бу эса бизга улкан ифтихор ва гурур бағишлайди.

Комилжон СУЛТОНОВ,
ТАТУ Қарши филиали ўқитувчиси

Рамазон ойи ҳар бир мўмин учун чексиз неъмат, улкан савобларни қўлга киритишга сабаб бўладиган муддатдир. У энг аввало ўнглишимиз, қалбни поклаш, нафсни ислох қилиш учун бир имконият ойдир.

Рамазон таквими


Рамазон	Ҳафта кунлари	Август, сентябр	Саҳарлик тугаши	Ифторлик бошланиши	Қайдлар учун
1	Чоршанба	11	3:58	19:31	
2	Пайшанба	12	3:59	19:30	
3	Жума	13	4:00	19:29	
4	Шанба	14	4:01	19:27	
5	Якшанба	15	4:02	19:26	
6	Душанба	16	4:03	19:24	
7	Сешанба	17	4:04	19:23	
8	Чоршанба	18	4:05	19:21	
9	Пайшанба	19	4:06	19:20	
10	Жума	20	4:07	19:19	
11	Шанба	21	4:08	19:17	
12	Якшанба	22	4:09	19:15	
13	Душанба	23	4:10	19:14	
14	Сешанба	24	4:11	19:12	
15	Чоршанба	25	4:12	19:11	
16	Пайшанба	26	4:13	19:09	
17	Жума	27	4:14	19:08	
18	Шанба	28	4:15	19:06	
19	Якшанба	29	4:16	19:04	
20	Душанба	30	4:17	19:03	
21	Сешанба	31	4:18	19:01	
22	Чоршанба	1	4:19	19:00	
23	Пайшанба	2	4:20	18:58	
24	Жума	3	4:21	18:56	
25	Шанба	4	4:22	18:55	
26	Якшанба	5	4:23	18:53	
27	Душанба	6	4:24	18:51	
28	Сешанба	7	4:25	18:50	
29	Чоршанба	8	4:26	18:48	
30	Пайшанба	9	4:27	18:46	

Рўза тутуш (оғиз ёпиш) нияти

Навайту ан асума совма шаҳри Рамазона минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала, Аллоху акбар.

Ўфторлик (оғиз очиш) нияти

Аллохумма лака сумту ва бика аманту ва алайка таваккалту ва ала ризқиқа афтарту, фағфирлий ма қодамту ва ма аххорту бирохматика йа архамар роҳимийн, Аллоху акбар.



МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Ҳаким МУҲИДИНОВ (Хайъат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Содиқжон ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❌
Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслимдин БҲРИЕВ.
Навбатчи: Усмоножон ЙҲЛДОШЕВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқарилади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-702 сонли буюртма. Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 11461 нусха.

ISSN 2010-6424
Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Видеот муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навойида 225-91-10	Наманганда 226-61-85	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчда 226-37-16	Фарғонада 226-87-71	Қаршида 314-08-99
---------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	----------------------	-------------------	-----------------------	--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	-------------------